

338.054.23(043.3)

© 21

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ КУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Кўллёзма хукуқида
ББК: 66,6

САИДОЛИМОВ САИДХОН ТАЛЪАТ ўғли

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МУАММОЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар ва жараёнлар

**Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2007

338,054,23(043,3)
C-21

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ташки сиёsat ва
дипломатия» кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи:

сиёсий фанлар доктори, профессор
Сайфиддин Ахматович Жўраев

Расмий оппонентлар:

сиёсий фанлар доктори, доцент
Умар Абдуллаевич Убайдуллаев

сиёсий фанлар доктори, профессор
Назрулла Қосимович Жўраев

сиёсий фанлар доктори
Алишер Гаффарович Муминов

Етакчи илмий муассаса:

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети**

Диссертация ҳимоясига 2007 йил «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун ташкил қилинган Д.005.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йигилишида бўлиб ўтади (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Автореферат 2007 йил «Б» нотоб да тарқатилди.

**Д.005.10.01 рақамли
Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари номзоди, доцент**



У.Хайитов

1. ТАДҚИҚОТНИНГ ҮМУМИЙ ТАСНИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳондаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-ҳарбий ўзгаришлар Марказий Осиёда халқаро муносабатларнинг трансформациясига олиб келди. Дунё ҳаритасида янги мустақил давлатларнинг ташкил топишни натижасида бугунги кунда халқаро муносабатларда янги жаҳон тартиботи вужудга келмоқдаки, унинг шаклланиши кўп қутбли марказларнинг пайдо бўлиши ҳамда жаҳон глобаллашуви шароитида юз бермоқда. Табиийки, бу ҳолат Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни долзарб масалага айлантириди ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг мазмун ва моҳиятини, халқаро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини ва унинг ривожланиш тенденцияларини англашга бўлган эътиборни кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир концептуал қарашларни ривожлантиришга ундаломоқда.

Маълумки, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви объектив ва қонуний жараён бўлиб, ўзига хос бир қанча ижобий хусусиятларга эга. Бу жараён, биринчи навбатда, давлатларнинг халқаро майдонга эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ҳамкорлик қилишга, ўз миллий манфаатларини халқаро миёсда ҳимоя қилишга кенг имконият яратади. Аммо, шуни айтиш керакки, вақт ўтиши билан глобаллашувнинг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга, унинг қатор салбий жиҳатлари ҳам намоён бўла бошлиди. Давлатларнинг бир-бирига боғлиқлигини сезиларли дараражада ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, маълум минтақадаги хоҳ салбий, хоҳ ижобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу шароитда минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Мавжуд вазият ташки таҳдидларнинг ички таҳдидлар, яъни анъанавий таҳдидларнинг ноанъанавий таҳдидлар билан ўзаро боғлиқлигининг кучайиши билан мураккаблашмоқда. Бу ҳолат минтақавий хавфсизликни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги аср глобаллашув, геосиёсат асли бўлиб, унда аввал учрамаган яқинлашув ва бириниш кўзга ташланмоқда, ўзаро ишонч тизимини ишлаб чиқиши тақозо этмоқда, давлатларнинг барқарорликни таъминлаш фаолиятини кучайтириш ва халқаро можароларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолмоқда¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Осиё ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутки // Ҳалқ сўзи, 2006 йил 20 июнь.

Жаҳонда кўп қутбли кучлар марказларининг юзага келиши, геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, айrim давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очиқдан-очиқ даъволари ҳамда Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган янги кучлар ва анъанавий кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши шароитида хавфсизликка таҳдидларнинг ноанъанавий турлари - ҳалқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, фундаментализм, наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси, сепаратизмнинг вужудга келиши кузатилди. Шунингдек, сўнгги вақтларда юқорида кўрсатилган омиллар билан бир қаторда, илтари кузатилмаган таҳдидлар ҳам кўзга ташланмоқда. Айrim Farb давлатлари томонидан ўз миллий мағбаатларини кенгайтиришда асосий воситага айланган «рангли инқилоблар», «демократия экспорти», «нодавлат-нотижорат ташкилотлар», «иккиёклама стандарт» сиёсати ва “ахборот хуружи” каби воситалар шуулар жумласидандир. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётганлиги, улкан табиий-иктисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти дикқат марказида бўлишига сабаб бўлмоқда².

Мазкур муаммоларни ҳал этиш минтақавий хавфсизликнинг концептуал қарашлари ва йўналишларини тўғри англаб этишни ҳамда шундан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат қилишни талаб қиласди. Зоро, бу нафақат шу давлат фуқаролари ҳаёти ва хавфсизлигига, балки минтақа ҳамда бутун дунё цивилизацияси жараёнига, унинг ҳолати ва йўналишига таъсири ўтказади. Шунинг учун Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига оид мавжуд замонавий концептуал қарашлар ва йўналишларни ўрганиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши бугунги кун сиёсатшунослиги учун ўта мухим масала хисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий вазият, минтақа давлатларининг ташки сиёсати, хавфсизликни таъминлаш муаммолари, унинг ички ва ташки омиллари, келиб чиқиши сабаб ва оқибатлари ҳақида муаллифда тўлиқ ва чуқур ёндашувнинг шаклланишида мамлакатимиз ҳамда минтақа, россиялик, хорижлик олимларнинг асарларини ўрганиш ва уларни илмий таҳдил қилиш яқиндан ёрдам берди. Уларни муаллиф қўйидаги гурухларга ажратади:

1. Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик борасида илмий изланишлар мустақилликка эришилгандан сўнг шакллана бошлади.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти давлат раҳбарлари кенгайшининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутки // Халқ сўзи, 2007 йил 17 август.

Замонавий хавфсизликнинг барча қирраларини очиб бериш ва уни таъминлашга имкон яратувчи назарияни яратиш асосий масалага айланди. Албатта, жамиятда муайян тизимни яратиш мушкул ва узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Шу боис, янги замонавий қарашларни шакллантириш; улар асосида қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; уларни амалга ошириш учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда давлатнинг маҳсус идораларини шакллантириш, уларни керакли кадрлар билан таъминлаш; бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалага айланди. Бугунги кунда хавфсизлик масалалари борасидаги концептуал қарашлар ва минтақавий хавфсизликнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалалар Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кўплаб асарлари ҳамда қатор халқаро анжуманларда сўзлаган нуткларида ўз аксини топган. Улар жумласига «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият», «Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш - энг муҳим ва устувор масала» каби асарларни киритиш мумкин³. Мазкур асарларда муаллиф Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг методологик жиҳатлари, минтақавий хавфсизликнинг туб моҳияти, йўналиш ва турлари, унинг стратегияси ва тактикаси билан боғлиқ масалалар, хавфсизликни таъминлаш, уларни бартараф этиш йўллари ва чора-тадбирлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича таҳдил қилинган. Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган принципиал қоидалар мазкур илмий ишнинг методологик асосини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хавфсизликни таъминлашга доир “минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари” концептуал гояси бугунги минтақавий хавфсизликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Унда асосий эътибор минтақадаги можароларнинг мазмун ва моҳиятига, бекарор вазиятларни олдини олишга қаратилган бўлиб, минтақада хавфсизликни сақланиши халқаро хавфсизликни таъминлашда асос бўлиши таъкидланади. Ушбу концептуал қарашларда миллий

³ Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Узбекистон, 1997. -315 б.; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Узбекистон, 1998. -413 б.; Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Узбекистон, 2005; Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Узбекистон, 2005; Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14. -Т.: Узбекистон, 2006.

хавфсизликни таъминлаш бевосита халқаро ҳамжамият билан ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик орқали амалга оширилиши, минтақада колективиб хавфсизлик тизимларининг барпо этилиши халқаро хавфсизликни таъминлаш шартларидан ҳисобланиши таъкидланади. Демак, мазкур ёндашув, аввало, инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини химоя қилиш тамоилига асосланган равишда миллий хавфсизликни шакллантиришга катта эътибор қаратади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда шахс манфаатларини олий қадрият сифатида кўрилаётганлигидан далолат беради. Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, “Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамоийллари ҳақида гапирав эканмиз, Асосий Конунимизда, биринчи навбатда, шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб кўйилганлигини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли”⁴.

2. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммолари ва уларни бартараф этиш, минтақавий хавфсизликнинг янги тизимини яратишнинг назарий-методологик жиҳатлари борасидаги илмий изланишлар мамлакатимизда мустақилликдан сўнг бошланди. Қисқа давр ичида бу йўналишнинг у ёки бу кирраларини очиб беришга бағишлиланган бир қанча илмий тадқиқот ишлари, асарлар ва монографиялар яратилди. Ҳозирги кунда мазкур соҳанинг турли йўналишларига бағишлиланган илмий изланишлар сифатида Р.М.Алимов, А.И.Васькин, И.Н.Васькин, А.Т.Жалилов, Г.И.Каримова, А.М.Қосимов, Н.А.Қосимова, З.Мунавваров, В.В.Парамонов, С.Сафоев, Ф.Толипов, Н.У.Тўлаганова, Х.П.Умаров, А.А.Хайдаров, У.Ҳасанов, Ф.Ҳамроев, С.М.Фоғуров каби тадқиқотчиларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу илмий ишларда асосий эътибор минтақавий хавфсизликнинг куйидаги йўналишларига қаратилмоқда:

-минтақавий муаммолар таркибидаги этносиёсий ва этноижтимоий масалалар, миллий манфаатлар тизими (У.Ҳасанов, Ф.Ҳамроев)⁵;

-минтақавий хавфсизликнинг асосий таҳдид ва чақириқлари ҳамда унинг информацион жиҳатлари (Р.Алимов, А.Васькин,

⁴ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишлиланган таитанали маросимдаги маъруза. 2005 йил 7 декабрь. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 5.

⁵ Ҳасанов У.А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе: Автореф. дис.. канд. полит. наук -Т., 2003; Ҳамроев Ф. Иерархия внутренних угроз региональной безопасности // Будущее государств Центральной Азии: вместе или?: Материалы международной конференции. -Бишкек, 2001. -С. 45-57.

И.Васькин, С.Жўраев, Г.Каримова, З.Мунавваров, Ш.Пахрутдинов, Н.Тўёлаганова ва бошқалар)⁶;

- замонавий халқаро муносабатларда Марказий Осиё минтақасининг ўрни ва унинг геосиёсий аҳамияти, минтақадаги интеграцион жараёнлар (Р.Алимов, С.Жўраев, А.Жалилов, Н.Косимова, В.Парамонов, С.Сафоев, Г.Сайдазимова, Ф.Толипов, Х.Умаров ва бошқалар)⁷;

-минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, унинг назарий-услубий ҳамда ҳуқукий жиҳатлари (Л.Кашинская, А.Косимов, Р.Жумаев, Ш.Пахрутдинов, С.Фоурор, А.Рахмонов ва бошқалар)⁸;

⁶ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. -Т.: Шарқ, 2005. -464 с.; Васькин И.Н. Афганистан -Т.: Войсковая часть 61266, 1994. -34 с.; Васькин И.Н., Васькин А.И. Афганское движение Талибан и соседние страны. -Т., 2001. -72 с.; Жўраев С.А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий-таҳдилий мақолалар тўплами). -Т., 2003. -364 б.; Каримова Г.И. Проблемы безопасности в Центральной и Южной Азии: состояние, тенденции конфликтности и перспективы развития: Автореф дис. на соис. учев. степ. докт. полит. наук. -Т., 2001; Мунавваров З.И., Ҳасанов А. Ислом: Ҳанафийлик ва вахабийлик. -Т., 1998; Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократики давлатчилик курилиши амалиётида диний экстремизм таҳди: Сиёсий фанлар доктори илмий дарражасини олиш учун бажарилган илмий иш. -Т.: ДЖКА, 2001; Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. -Т.: Фан, 2004.

⁷ Алимов Р.М. Проблемы формирования новой архитектуры региональной безопасности в условиях глобализации (на примере Центральной Азии): Автореф. дис.. докт. полит. наук. -Т., 2006; Давлатлар ва халқаро ташкилотлар / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, О.Косимов, А.Жалилов, С.Сайдолимов ва б. -Т.: Академия, 2006. -347 б.; Жалилов А.Т. Марказий Осиё географияси: ёндашувлар тизими // Таҳдил ва истиқбол. -Т., 2003. -№1. -С. 31-35. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. -Т.: УМЭД, 2002. -183 с.; С.Сафоев. Марказий Осиёда кечёттган геосиёсий жараёнлар ва минтақанини ҳозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида туттган ўрни // Халқаро муносабатлар. -Т., 2005. -№3. -С. 6-20; Сайдазимова Г.С. Интеграция глобал жараён сифатиди ва унинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти (Жанубий-шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси мисолида): Сиёсий фанлар номзоди илмий дарражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т.: ЖИДУ, 2001. -170 б; Толипов Ф. Война в Афганистане и geopolитическая трансформация в Центральной и Южной Азии // Полис. -1998. -№6; Умаров Х.И. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари: Сиёсий фанлар номзоди дарражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т., ДЖКА, 2004. -152 б.

⁸ Кашинская Л.Ф. Государственность и национальная безопасность: проблемы теории. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003. -96 с.; Косимов А.М. Дипломатия асослари -Т.: Ўзбекистон, 1996. -93 б.; Жумаев Р., Убайдуллаев У., Ҳужаков Б. Конфликтология асослари. -Т.: Академия, 2000. -207 б.; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Т.: Фан, 1996. -204 с.; Пахрутдинов Ш.И. Таҳдид тушунчаси: назария ва амалиёт. -Т.: Абу Али Инб Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998. -64 б; Фоурор С. Миллий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ўрганишнинг услубий жиҳатлари // Шарқшунослик. -Т., 2005. -№2. -Б. 93-96; Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан: Автореф дис..док. юрид. наук. -Т.: ТДСИ, 2001.

-Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсий стратегиясининг долзарб масалалари (А.Хайдаров, С.Жўраев, А.Қосимов, С.Шарапова, Г.Юлдашева)⁹.

Сўнгги йилларда мавзунинг турли йўналишига оид қатор докторлик диссертациялари ёқланди. Булар жумласига, Г.Каримова, А.Рахмонов, С.Фоғуров, Р.Алимов, Н.Тўлаганова, С.Шараполовалар томонидан ҳимоя қилинган докторлик диссертацияларини киритиш мумкин. Ҳусусан, Г.Каримованинг докторлик диссертациясида Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жараёни, унинг ҳолати, асосий тенденциялари ҳамда ривожланишининг истиқболлари фундаментал тадқиқ этилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилган¹⁰. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка таъсир этувчи таҳдид ва хавф-хатарлар тизимли таҳдил қилинган. Шу билан бирга, мазкур таҳдид ва хавф-хатарларнинг долзарблиги ва уларни бартараф этиш муаммолари кўриб чиқилган.

С.Фоғуровнинг тадқиқот ишида эса минтақавий ҳамда ҳалқаро хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли, бу соҳада олиб борилаётган ташки сиёсатнинг устувор йўналишлари таҳдил этилган. Бунда ҳалқаро ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмасишиш масалаларига эътибор берган ҳолда, Форс кўрфази Араб давлатларининг минтақавий ҳамда ҳалқаро хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти қиёсий ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси билан Араб давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйиш ва бу йўналишда тажриба алмасишиш минтақалараро хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилади¹¹.

Р.Алимовнинг докторлик илмий ишида глобаллашув жараёнида Марказий Осиёда янги минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш муаммолари, минтақавий интеграция истиқболлари каби масалаларга эътибор қаратилади. Унда жумладан, глобаллашув шароитида юзага келаётган салбий ва ижобий омилларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири атрофлича таҳдил этилади¹².

⁹ Хайдаров А.А. Центральная Азия во внешней политике Иран: Дис... док. полит. наук. -Т.: ТашГИВ, 1998. -371с.; Ҳалқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) / С.Жўраев, Б.Худойбердин, Н.Қосимова, А.Жалилов, А.Қосимов, С.Сайдолимов ва б. -Т.: Академия, 2006. -240 б; Қасымов А.М., Еасъкин А.И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -112 с.; Шарапова С. Теория маккиндера и современные международные отношения // Ҳалқаро муносабатлар. -Т., 2004. -№4; Юлдашева Г. Узбекистан в геостратегических отношениях Ирана и США // Востоковедение. -Т., 2005. -№1. -С 80-88.

¹⁰ Каримова Г.И. Проблемы безопасности в Центральной и Южной Азии: состояние, тенденции конфликтности и перспективы развития: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т., 2001.

¹¹ Гафуров С.М. Роль Арабских государств Персидского залива и Республики Узбекистан в обеспечении региональной и глобальной безопасности: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т., 2002.

¹² Алимов Р.М. Проблемы формирования новой архитектуры региональной

Н.Тұлаганова томонидан бажарылған докторлық ишида Марказий Осиё минтақасининг асосий таҳдидлар манбаи бўлиб келаётган Афғонистон омилига эътибор қаратилған. Хусусан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммолари ва истиқболлари таҳлил этилиб, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилған¹³.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва дипломатияси, унинг устувор йўналишлари ҳамда мақсадлари, хавфсизлик ва барқарорлик масалалари борасидаги Ўзбекистоннинг универсал, минтақавий ва субминтақавий ҳалқаро ташкилотлардаги фаолияти С.Шарапованинг¹⁴ тадқиқот ишида кенг ёритиб берилған. Муаллиф мамлақатимизнинг замонавий ҳалқаро муносабатларда хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган ташқи сиёсати ва дипломатиясининг мазмун-моҳиятини, БМТ, ЕХХТ, НАТО, МДҲ, ШҲТ, ОДКБ, ЕврАЗЭС каби қатор ҳалқаро ташкилотлардаги миллӣй манфаатларини илмий асослашга ҳаракат килған.

3. Хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик муаммолари, минтақавий интеграция ва ҳалқаро муносабатларнинг глобаллашуви жараёнлари каби мавзулар нафакат мамлақатимиз балки Марказий Осиё, МДҲ давлатлари сиёсий фани учун янги йўналиш ҳисобланади. Сўнгти йилларда Россия ва минтақа олимлари томонидан ҳам сиёсатшунослик, геосиёсат, хавфсизлик соҳаларининг назарий жиҳатларини тадқик қилишга катта эътибор берилмоқда. Булар жумласига Р.Абазов, Б.Абдыгалиев, Р.Абсаттаров, В.Азбукин, А.Арбатов, В.Н.Василенко, А.Возжеников, К.Гаджиев, А.Дугин, Ю.Кузнецов, А.А.Куртов, А.В.Кортунов, В.П.Лукин, М.Лаумулин, В.Манилов, М.Мейер, А.С.Панарин, Г.Почепцев, А.Прохожев, К.Плещаков, К.Сыроежкин, Н.Ушаков каби олимларнинг асарларини киритишимиз мумкин¹⁵. Ушбу муаллифларнинг асарлари мавзуни

безопасности в условиях глобализации (на примере Центральной Азии).: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т., 2006. -50 с.

¹³ Тұлаганова Н.У. Афганистан конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии.: Автореф. дис... докт. полит. наук -Т.: УМЭД, 2006. -33 с.

¹⁴ Шарапова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т.: АГСС, 2006. -48 с.

¹⁵ Абазов Р. Геополитическая и геоэкономическая трансформация Центральной Азии и Европы: сравнительный анализ // Саясат. -1995. -№7. -С. 68-83; Абдыгалиев Б. Русские в Казахстане: проблемы, мифы и реальность // Казахстан и мировое сообщество. -1995. -№1. -С. 73-80; Азбукин В., Терехов С. Проблема разрешения конфликтных ситуаций // Меж. жизнь. -М., 1999. -№10. -С. 91-96; Арбатов А. Национальная идея и национальная безопасность / Политика, общество. -М., 1998. -С. 5-8; Возжеников А. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. -М.: МОДУЛЬ, -2000. -240 с.; Гаджиев К.С. Введение в геополитику. Учебник для вузов. -М.: Логос, 2000. -432 с.; Гаджиев К.С. Геополитика. -М.: Международные отношения, 1997. -384 с.; Дугин А. Основы геополитики. -М: Аркотея, 1999; Ю.Кузнецов, В.Никольский. Введение в теорию национальной безопасности: проблемы безопасности русского народа и современность. -Алматы: Верный, 1999. -808 с.; Куртов А.А. Узбекистан - ключевое

жар томонлама ўрганишга кенг имконият яратди. А.Арбатов, А.Возжеников, Ю.Кузнецов, В.Манилов, А.Прохожев каби олимларнинг қатор асарларида хавфсизликнинг асосий компоненти бўлмиш миллий хавфсизликни таъминлаш, унга нисбатан хавфхатар ва таҳдидларни бартараф этишнинг самарали усусларини ишлаб чиқиш, ривоҷлантириш каби долзарб масалаларга эътибор қаратилади ҳамда бугунги кун нуктаи назаридан миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни ўзаро боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. Масалан, А.Возжеников «Национальная безопасность: теория, практика, стратегия» номли асарида «хавфсизлик» тущунчаси жуда кенг қарорларни, кўп маъноли тущунча эканлигини кайд этган ҳолда, хавфсизликни таъминлаш бугунги кунда комплекс ёндашувни талаб этиши илмий асослаб берилади. Унда муаллиф хавфсизликни «ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» нуқтаи назардан кўриб чиқиши ҳамда миллий, минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликни ягона тизим остига киритишни таклиф этади.

Р.Абазов, К.Гаджиев, А.Дугин каби тадқиқотчиларнинг асарларида асосий эътибор хавфсизликни таъминлашда геосиёсий омилларнинг роли ва аҳамиятiga қаратилади. Унда бугунги замонавий ҳалқаро муносабатлар тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар ва геосиёсий жараёнларнинг миллий, минтақавий ҳамда ҳалқаро хавфсизликка таъсири тизимли ва қиёсий таҳлил этилади. Жумладан, А.Дугин «Основы геополитики» китобида минтақавий хавфсизлик тизимининг барқарор шаклланишида ҳалқаро муносабатлардаги геосиёсий вазият мухим аҳамият касб этиши ҳамда ҳар бир давлат ёки минтақа хавфсизлиги мавжуд геосиёсий омиллар йигиндисига, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгалитгини уктиради.

4. Хавфсизлик муаммолари тобора умуминсоний, глобал муаммога айланиб бораётган бугунги кунда, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, омиллари, шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг назарий-методологик асосларини тадқиқ этишга

государство Центральной Азии // Россия и мусульманский мир. -М., 1999. -№4(82). -С. 65-69; Лаумалин М. Казахстан в современных международных отношениях: безопасность, geopolitika, политология. -Алматы: КИСИ, 2000. -480 с.; Лаумалин М. Центральная Азия глазами западных политологов // Казахстан и мировое сообщество. -1995. -№3. -С. 20-32; Манилов В.Л. Угрозы национальной безопасности // Военная мысль. -М., 1996. -№1; М.Мейер. Средняя Азия: Афганская сценарий? -М.:Европа, 2005. -192 с.; Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. Учебник для вузов. -М.: Алгоритм, 2000. -352 с.; ГПочечев. Гражданское самбо: как противостоять «цветным» революциям. -М.: Европа, 2005. -88 с.; Прохожев А.А. Национальная безопасность. -М.: РАГС, 1998. -С. 26: Плашаков К. Геополитика в свете глобальных перемен // Межд. жизнь. -М., 1994, окт.; Сыроежкин К.Л. Взаимоотношения Китая с государствами Центральной Азии // Казахстан-Спектр. -2000. -№1. -С. 73-100; Ушаков Н.А. Проблемы теории международного права. -М.: Наука, 1988. -№5. -С. 15.

бўлган эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу ўринда хорижлик таниқли олимлар, сиёсатшунослар, тарихчи ва файласуфлар ҳамда геосиёсат фанининг мутафаккирларини кўрсатиб ўтиш жоиз, булар: Х.Маккиндер, Ф.Ратцель, Н.Спайкмен, К.Хаусхофер, Д.Паркер, Д.Бертон, К.Грей, Г.Моргентау, Л.Жонсон, Б.Арас, Б.Колас, Г.Киссинджер, С.Хантингтон, З.Бжезинский ва бошқалар¹⁶. З.Бжезинскийнинг машхур «Буюк шахмат таҳтаси» номли асарида Марказий Осиё минтақасидаги вазият, унинг геосиёсий ҳолати ва истиқболлари, бу ҳудуддаги ташқи ва ички омилларнинг мазмун-моҳияти ҳамда хавфсизлик ҳолати атрофлича таҳлил этилади. Бу китобда ифода этилган фикрларнинг барчасига ҳам қўшилиб бўлмайди, аммо у минтақадаги вазиятнинг ривоҷланишига ўзига хос асослардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин¹⁷.

Америкалик олим Колин Грей «Кудратли давлатларнинг геосиёсати» номли машхур асарида дунёнинг замонавий ҳолатига геосиёсий қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ёндашади. У дунёда ҳукм суроётган стратегик ҳолатни давлатлар манфаатларининг ўзаро қарама-қаршилигида деб баҳолайди. АҚШ хавфсизлигини таъминлашдаги асосий йўналиш, унинг фикрича, дунёда ўз ҳарбий салоҳиятини ўстириш ва ядро урушига тайёргарлик кўришда деб билади¹⁸.

«Жаҳон сиёсати, - деб ёзади Ганс Моргентау, - бу ҳокимият учун кураш.. Дунё ҳалклари ва давлат арబоблари охир-оқибат эркинлик, хавфсизлик, барқарорлик ёки шахсий сиёсий кучни излайдилар. Улар мазкур мақсадларни диний, фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий идеаллар орқали белгилайдилар. Бироқ, унга ҳар доим жаҳон сиёсати методи (услуби) ёрдамида эришишга уринадилар»¹⁹.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тадқиқот мавзууга доир кўплаб адабиёт ва материаллар мавжуд. Улардаги фикр-мулоҳазалар ва қарашлар, албаттта, ўзига хослиги билан ажralиб туради. Тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида минтақавий хавфсизликнинг муайян соҳаларини турли шароит ва ўз

¹⁶ Huntington, Samuel. The Clash of Civilizations? // Foreign Affairs. -1993. -Summer, -P. 22-49; Friedrich Ratzel. Politische Geographie. Einleitung, 1887; Spykman N. Geography of Peace. 1942; Bzeinsky Zb. Out of control: Global turmoil on the eve of the 21 century. -N.Y. -1993, -P. 156; Kissinger H. Diplomasy. -N.Y., 1994; Gray C. The Geopolitics of Super Power. Lexington. The University of Kentucky Press. 1988; Johnson L. Russia and Central Asia: terrorism as a issue. Paper prepared for the AAASS 33-rd National Convention, Arrington, Virginia, 15-18 november 2001; Aras B. Celas J. American-Central Asia relations // Euroasian studies. -Ankara, 1996. -Vol.3, N3 -P.64.

¹⁷ Бжезинский З. Великая шахматная доска. -М., 2000.

¹⁸ Gray C. The Geopolitics of Super Power. Lexington. The University of Kentucky Press. 1988.

¹⁹ Алексеева Т.А. Контуры ненасильственного мира // Принципы ненасилия. -М., -1991. -С. 205-206.

манбаатларидан келиб чиққан ҳолда ёритганлар. Биз ҳам илмий тадқиқот ишимиизда минтақавий хавфсизликни халқаро муносабатларда содир бўлаётган геосиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан ўрганишга, ундаги муаммоларни комплекс тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Зоро, замонавий халқаро муносабатлар тизимидағи шакланаётган янги хавфсизлик тизими масалага комплекс ёндашишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган давлатдир. Минтақадаги вазият ва унинг кейинги ривожи бевосита Ўзбекистоннинг позициясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода, минтақавий хавфсизлик муаммосини айнан Ўзбекистон Республикаси миллий манбаатлари асосида кўриб чиқиш зарур вазифадир.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Илмий Кенгашининг 2003 йил 1 ноябрдаги йигилишида тасдиқланган (4-сонли баённома).

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уларнинг келиб чиққиши сабаб ва шартшароитларини сиёсий жиҳатдан тизимиш таҳлил қилиш ҳамда минтақа хавфсизлигига таъсир кўрсатаётган ташки ва ички омиллар даражаси ҳамда хусусиятини аниқлашдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қўйидаги **вазифалар** кўйилди:

- хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш ҳамда «минтақавий хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳиятини сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан аниқлаш;

- минтақавий хавфсизлик борасидаги мавжуд концептуал қарашларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларнинг асосий тенденциялари ҳамда ўзаро хусусиятларини киёсий таҳлил қилиш;

- ривожланган давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги модель ва концепцияларини илмий-назарий жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда минтақавий хавфсизлик масалаларига доир қарашларнинг ривожланиш жараёни ҳамда мамлакат миллий хавфсизлик концепцияси билан ўзаро боғлиқларини таҳлил этиш;

- Марказий Осиё минтақасининг шакланаётган янги жаҳон тартиботи шароитидаги геосиёсий хусусиятларини белгилаш ҳамда унинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидағи ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

-Марказий Осиё давлатларининг ички ривожланиш ҳолати, улардаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни тизимли ҳамда қиёсий таҳлил этиш натижасида уларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш;

-минтақа давлатларининг ташки сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалаларини қиёсий таҳлил этиш;

-Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ҳамда барқарорлигининг долзарб муаммолари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, омил ва шарт-шароитларини аниqlаш;

-минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг истиқболини белгилашда минтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини илмий асослаш ҳамда минтақанинг келгусидаги ривожига башорат бериш;

-Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқот ишининг обьекти этиб замонавий ҳалқаро муносабатларда шаклланаётган янги тартиботнинг глобал тенденцияси сифатида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари танлаб олинди.

Тадқиқот ишининг предмети сифатида эса Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жараёнининг асосий тенденциялари ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишнинг самарали усул ва йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар белгилаанди.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот ишининг услубий асосини замонавий сиёсатшуносликнинг асосий тамойиллар тизимини ташкил этган, минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини тадқиқ этиш ва ўрганища кенг фойдаланиладиган диалектика ва тизимий услубларга асосланган илмий тамойиллар ҳамда қиёсий-сиёсий, қиёсий-тарихий таҳлил услублари ташкил этди.

Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги асарлари ва маъruzalariда баён этилган замонавий назарий-концептуал гоялар, жумладан, «минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари» концепцияси ҳамда мамлакатимиз, хорижлик олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари асосида олиб борилди ва ишининг назарий манбаси бўлиб хизмат қилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий илмий ҳолатлар.

1. Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг минтақада янги геосиёсий вазият юзага келди. Бу ҳолат, бир томондан, минтақа давлатлари учун ўз манфаатларини ҳалқаро миқёсда ҳимоя килиш имкониятини яраттан бўлса, иккинчи

томондан, улар олдига минтақавий хавфсизликни таъминлаш каби долзарб вазифани юклади. Мазкур жараённинг мураккаблиги минтақа давлатлари миллий манфаатларини минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан уйғунлаштириш ҳамда ягона минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришдир.

2. Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташки сиёсатининг таҳлили шуни кўрсатмоқда, бугунги кунда минтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларни бартараф этишга қаратилган фаол сиёsat олиб борилмоқда. Бироқ Марказий Осиёда ҳали мустаҳкам, самарали ва мослашувчан минтақавий хавфсизлик тизими тўлиқ шаклланганича йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири минтақа давлатларининг барчасида ҳам хавфсизликни таъминлаш масъулияти тўлиқ тушуниб етилмаганлигидadir. Бугунги кунда айrim мамлакатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масъулиятидан кўра миллий хавфсизлик ва миллий манфаатлар устунлик қилмоқда.

3. Минтақа давлатларининг ички вазиятини, улардаги ижтимоий жараёнлар ҳамда сиёсий-иктисодий ўзгаришларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Маълум бўлдики, уларда кечайётган ички жараёнлар “утиш давр”ига хос характерга эга. Албатта, бунда мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ўртасида муайян соҳаларда фарқ бор.

4. Сўнгти даврларда Марказий Осиёнинг айrim давлатлари ўз сиёсий ҳаракатларида якка тартибда ягона хавфсизлик тизимини яратиш, барқарорликни таъминлаш бўйича янги ташабbusлар билан чикишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигининг фалсафасига мутлақ зид ҳолда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар келиб чикишига шарт-шароит туғдирмоқда.

5. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш минтақадаги ҳар бир давлат миллий манфаатларининг химояси ҳамда миллий хавфсизлигининг кафолати демакдир.

6. Бугунги кунда Марказий Осиёда ҳалқаро муносабатлар трансформацияси юз берди. Натижада минтақавий хавфсизликни таъминлашда ташки омилларнинг роли ва даражаси ортиб бормоқда. Яъни, минтақа учун бир томондан, минтақа атрофидаги йирик давлатлар (Туркия, Эрон, Покистон), иккинчи томондан, анъанавий ўйинчилар (Россия, Хитой, АҚШ) ўртасидаги геосиёсий ракобатнинг кучайиши юз бермоқда. Ушбу жараёнга янги иштирокчи сифатида ҳалқаро муносабатларнинг ноағъанавий қатнашчилари бўлмиш ҳалқаро нодавлат ташкилотлар ҳам ўз таъсирини ўtkазишга ҳаракат қилмоқда.

7. Бугунги ўзгаришлар даврида минтақавий хавфсизликнинг моҳияти глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тобора ривожланиши, ҳалқаро ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бориши билан белгиланмоқда. Бу жараёнда давлатлар янги шарт-шароитдан келиб чиқсан ҳолда ўз миллий манфаатларини минтақавий хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлигини ҳис этган ҳолда, дунё ҳамжамиятининг эҳтиёжларини ҳисобга олишлари зарур бўлиб бормоқда.

8. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка бўлган таҳдидлар сўнгги даврларда ўзининг шаклланганлик даражаси (реал ва потенциал), намоён бўлиш характеристи (ижтимоий, антропоген, табиий), келиб чиқиши (ички ва ташқи), ҳаёт фаолияти соҳаларига кўра (сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий ва ҳоказо) турли кўринишларда кўзга ташланмоқда.

9. Айни пайтда Марказий Осиё давлатлари учун хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан манфаатдор давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш стратегик вазифа ҳисобланади. Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоки давлатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари шулар жумласига киради. Мазкур масала бўйича Марказий Осиё мамлакатлари турли сиёсий, иқтисодий-молиявий ҳалқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ, ХВФ, ЖБ ва бошқалар) доирасида фаол иштирок этиши лозим бўлади.

10. Марказий Осиёнинг геостратегик ва геосиёсий аҳамияти минтақа хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро интеграциялашув жараёнларини шакллантириш ва ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу эса минтақа давлатларидан ЕврАзЭС, ОДКБ, ШХТ ташкилотлари доирасида ўзаро алоқаларини мувофиқлаштиришни талаб қиласди. Бундан ташқари, минтақанинг барча мамлакатлари МДҲ ташкилотининг аъзоларидир. Мазкур йўналишда ҳам миллий манфаатларни ўйғунлаштириш зарур деб ўйлаймиз. Бу эса, ўз навбатида, минтақада гоесиёсий мувозанатни саклашда асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги замонавий дунё тараққиётидаги ўзгаришлар муносабати билан Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммоларини комплекс тадқиқ этишда ўз аксини топди. Диссертацияда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий тенденциялари қиёсий таҳлил этилди. Унда жумладан:

-«хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти замонавий сиёсати: мунослик фани нуқтаи назаридан ўрганилди;

-минтақавий хавфсизлик борасидаги мавжуд концептуал қараашларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларнинг асосий тенденция ва хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинди;

-ривожланган давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги модель ва концепциялари илмий-назарий жиҳатдан тизимли таҳлил қилинди ҳамда улар орасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар, асосий тамойил ва устуворликлар қиёсий таҳлил натижасида белгиланди;

-Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги хавфсизлик масалаларига доир қараашларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, унинг асосий босқичлари тизими таҳлил этилди;

-Марказий Осиёнинг хавфсизлик ҳолати, унинг геосиёсий салоҳияти ва ўлчовлари ҳамда замонавий халқаро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди;

-Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташки сиёсатининг устувор йўналишлари ва унинг асосий жиҳатлари тадқиқ этилди;

-минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг истиқболларини белгилашда минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланди ҳамда амалий характерга эга бўлган хуласа ва таклифлар берилди;

-Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг роли ва аҳамияти, унинг бу борада олиб бораётган ташки сиёсати ва ташабbusлари таҳлил қилиниб, илмий хуласалар берилди.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда у билан боғлиқ долзарб муаммоларни бартараф этишдаги назарий ва амалий жиҳати билан белгиланади. Ишда келтирилган амалий тавсия ва таклифларни Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташки сиёсий стратегиясини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан янги ёндашувларни ишлаб чиқицда қўллаш мумкин. Ишнинг натижаларидан мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлар, мутахассислар ва сиёсатшунослар фойдаланишлари мумкин. Диссертация материалларини олий ўкув юрглари учун маҳсус курсларни таёrlаш ва ўқиш жараёнида қўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг хуласа ва натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси “Ташки сиёсат ва дипломатия” кафедрасида «Халқаро хавфсизлик муаммолари», «Хорижий давлатларнинг ташки сиёсати ва дипломатияси»,

«Хозирги замон халқаро муносабатлари», “Геосиёсат” каби ўкув фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ишнинг назарий ва амалий хулосалари ҳамда илмий-услубий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иктидорли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъод» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Минтақавий сиёсат» жамғармаси, Ўзбекистон Миллий Университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан ташкил этилган 20дан ортиқ халқаро, маҳаллий илмий-амалий конференция, анжуман ва семинарларда маъруза қилинган ва илмий тўпламларда чоп этилган.

Натижаларнинг синовдан ўтказилиши. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси “Ташқи сиёсат ва дипломатия” кафедрасининг йигилишида (2006 йил 6 февраль, 8-сонли баённома); Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси Ихтисослашган Кенгаши кошидаги илмий-назарий семинарида (2006 йил 5 октябрь, 1-сонли баённома); Тошкент Давлат юридик институти факультетлараро “ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси базасида ташкил этилган илмий-назарий семинарида (2007 йил 30 март, 26-сонли баённома); Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети “Халқаро муносабатлар” факультети Муаммовий Кенгашининг “Сиёсий файлар” бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарида (2007 йил 15 апрель, 2-сонли баённома); Самарқанд Давлат Университети “Социология ва ижтимоий иш” ва “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” кафедрасининг кўшма йигилишида (2007 йил 25 май, 9-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг чоп этилганлиги. Илмий ишнинг асосий мазмуни ва ундан келиб чиқувчи натижка ва хулосалар тадқиқотчи томонидан чоп этилган: “Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии” номли монографияда ҳамда 30га яқин илмий мақолалар, ўкув қўлланма, илмий тўпламларда чоп этилган тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация иши кириш, тўрт боб, ўн битта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 281 бет.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмидаги мавзунинг** долзарблиги, **муаммонинг ўрганилганлик даражаси**, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, назарий-услубий асослари, тадқиқот обьекти ва предмети, илмий янтилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишининг назарий-методологик асослари**» деб номланаби, мавзунинг назарий-методологик жиҳатлари таҳлил этилган. Унда «хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти, хавфсизлик муаммолари ҳакидаги концептуал қараашларниң шаклланиши ва ривожланиши босқичлари илмий таҳлил килинган ҳамда ривожланган давлатларниң хавфсизлик моделлари қиёсий таҳлил усули орқали кўриб чиқилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «**Хавфсизлик тушунчаси ва унинг моҳияти**» деб номланаби, унда, асосан «хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти борасида мавжуд фикр ва қараашлар, хавфсизлик масалалари юзасида шаклланган ёндашувлар ҳамда миллий, минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликни ўзаро боғлиқлиги тизимли таҳлил этилади. Мазкур тадқиқотда биз «**миллий хавфсизлик**» категориясига алоҳида аҳамият қаратдик. Чунки фақатгина миллий хавфсизлик категорияси қолган хавфсизлик категориялари билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Илмий адабиётларда «**миллий хавфсизлик**» тушунчасига мукаммал таъриф берилганича йўқ. Қолаверса, ҳозирги қунга қадар ушбу ибора ўрнида «**давлат хавфсизлиги**», «**миллий давлат хавфсизлиги**», «**умуммиллий хавфсизлик**» каби атамалар кўлланилган. Бу эса давлатлар ижтимоий-сиёсий тарихининг турли босқичларида «**миллат**» тушунчаси турли маъно-мазмунни англатганидан далолат беради. Тадқиқот натижасида «**миллат**» тушунчаси изоҳи бўйича икки йўналиш мавжудлиги маълум бўлди. Биринчиси, коммунистик давр таълимоти оқибатида ҳосил бўлган йўналиш бўлиб, у миллатни аниқ бир ҳалқка боғлайди. Иккеничиси эса, маълум бир даврга тегишли ижтимоий умумийлик. Яъни, муайян худуддаги ҳалқлар томонидан шаклланган давлат сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан, «**миллий хавфсизлик**» тушунчасига берилган изоҳлар турличадир. Ҳалқаро муносабатлардаги вазият «**миллий хавфсизлик**» тушунчасини давлат хавфсизлиги сифатида кўрувчи тор ва бир томонлама қараашларниң ўзгаришига олиб келди. Миллий хавфсизлик нафақат бир миллат хавфсизлиги, балки шу худудда яшайдиган ҳалқлар, миллатлар хавфсизлигидир. Шу нуқтаи назардан, миллий хавфсизлик иборасини кўпмиллатли давлатларда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида кўлланилиши,

жамиятнинг барча қатлам ва соҳаларини қамраб олишга ёрдам беради. «Миллий хавфсизлик» тушунчаси хавфсизлик категориясининг барча турларини қамраб олган ҳолда кенг қамровли, кўп маънога эга. Унинг бугунги кундаги хусусияти шахс ва жамият манфаатларининг давлат манфаатларига нисбатан янгича муносабатида намоён бўлмоқда.

Минтақавий хавфсизлик глобал, ҳалқаро хавфсизликнинг таркиби қисми бўлиб, минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларда, уруш ва бекарорлик таҳдидини солаёттан омиллардан ҳоли бўлиш ҳисобланади. Минтақавий хавфсизлик маълум бир геосиёсий муҳитда жойлашган ва бир-бiri билан тарихан бевосита боғлиқ бўлган ҳалқлар, миллатлар, давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташки таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимояланганлик ҳолатидир.

«Хавфсизлик» тушунчасига доир айрим фикрлар ва қарашларни таҳдил қылган ҳолда, биз ҳам бу тушунчаларга ўз муносабатимизни билдиришга ҳаракат қўйдик:

«хавфсизлик» объектив ҳолатда аниқ тарихий характерга эга бўлган табиат - инсон - жамият тизими билан яқин алоқадаги ижтимоий воқелик ҳисобланаб, у мутлақ эмас, балки ўз мантиқий моҳиятини аниқ объектлар ёки инсон фаолияти доирасидаги мулоқотда акс эттиради.

«Миллий хавфсизлик» ижтимоий воқелик бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солаёттан ташки ҳамда ички хавф-хатарларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳукуқий нормативлар билан мустаҳкамланган ҳолат йиғиндисидир.

«Минтақавий хавфсизлик» минтақа давлатларининг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солаёттан ташки ва ички хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича тизимий ёндашувлар асосида ўзаро ҳамжиҳатлиска асосланган саъй-ҳаракатлар йиғиндисидир. Минтақавий хавфсизлик деганда, минтақа ҳалқларининг миллий қадриятлари, манфаатлари, миллий ҳаёт тарзи учун таҳдид солаёттан реал ташки ва ички хавфларнинг олдини олиш тушунилади.

«Глобал (ҳалқаро) хавфсизлик» дунё давлатларининг ўзаро ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ҳамкорлигига, суверенитети ва мустақил ривоҷланишига таҳдид солаёттан муносабатларни самарали ҳал килиш механизмлари шаклланганлигини англатади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижасида хавфсизликка берилган ягона таъриф мавжуд эмаслиги, адабиётларда берилган изоҳлар ўша давр ва вазиятдан келиб чиққав ҳолда конкрет (аниқ) хусусиятларни таҳлил этиш натижасида берилганлиги маълум бўлди. Шунга қарамасдан,

уларнинг барчасида маълум даражада умумийлик ва ўзаро фарқлар мавжуд. Бунинг асосий сабаби хавфсизликнинг инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзида акс эттирган комплекс тизимни ташкил этишидир.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “**Хавфсизлик мўаммолари ҳақидаги концептуал қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши**” деб номланган бўлиб, ушбу параграфда хавфсизлик масалалари юзасидан билдирилган қараш ва таълимотлар, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари ҳамда улар орасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар қиёсий таҳдил этилди. Жумладан, Фарб мамлакатларида хавфсизлик ҳақидаги foяларнинг ривожланиши жараёни, уларнинг босқичлари кўриб чиқилди ҳамда кўплаб мутафаккирларнинг foяларида асосий ургу шахс хавфсизлигига қаратилганлиги, унда шахс эркинлиги ва унинг ҳақ-хукуқларига нисбатан суйқасдга қарши кураш асосий вазифа деб белгиланганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, мазкур қарашларда давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш деб кўрсатилиди. Бу эса Фарб мамлакатларида хавфсизлик соҳаси борчасида либерал таълимотларни бевосита устувор эканлигидан далолат беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, либерал таълимотлардаги асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, давлат томонидан муайян бошқарувни қўлга олиш зарурияти билан изоҳланади. Шахс хавфсизлигини таъминлаш охир-оқибатда барча ижтимоий воқеалиқда (давлат, жамият) барқарорлик ва ривожланишга олиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги замонавий тараққиёт жараёнида шахс эркинлигига ва ҳуқуқлари ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш уни ҳимоя қилишга масъул бўлган сиёсий ҳокимијат-давлатта борлиқ. Аммо бу жараёнда шахс ва жамият манфаатлари устидан мамлакат манфаатларининг устун қўйилиши мазкур давлат фаолиятига катта таҳдид солади ва бекарорлик ҳолатини юзага келтиради. Шу боис, ривожланган давлатларнинг аксариятида «хавфсизлик» тушунчаси ҳар бир фуқаронинг минимал ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, деб эътироф этилади. Бироқ ҳозирги замонавий хавфсизлик концепцияларида биринчи ўринда шахс, жамият, давлат хавфсизлиги эмас, балки ҳалқаро хавфсизлик олий кадрият сифатида кўтарилимоқда. Шундай концепциялардан бири **ҳалқаро ҳамжамият назарияси**дир. «Ҳалқаро ҳамжамият» тушунчасининг таҳдили миллий давлатларнинг дунёдаги ўрни ва давлат суверенитетининг истиқболлари борасидаги тасаввурлар билан бевосита алоқадор. Бу таълимотни қўллаб-куватловчи бир гурух тадқиқотчilar ўзларининг хавфсизлик борасидаги концептуал foяларида давлатнинг ролини пасайтиришга уринишади. Масалан,

англиялик олим Д.Бертоннинг таърифича, буунги кунда миллий давлатларнинг ўрнини халқаро ҳамжамият белгиламоқда. Бунинг исботини халқаро муносабатлардаги глобализация ва интеграция жараёйларида кўришимиз мумкин. Аммо XX асрнинг 40-50-йилларида жаҳонда давлат ҳавфсизлиги халқаро-коллектив ҳавфсизлик билан мутлақ мос келмаслигини эътироф этган концептуал фикрлар бўлган. Улар, асосан, Америка жамиятининг сиёсий реализм мактаби томонидан илгари сурилган. Уларнинг илмий тадқиқотларида стратегик ҳамкорлик шароитидан келиб чиқиб, миллий манфаатлар ва давлат ҳавфсизлиги олий қадрият сифатида қаралади. Миллий манфаатлар давлат ташки сиёсати асосини ташкил этувчи доминант ҳисобланади. Уларнинг асарларида давлатлар хоҳ катта, хоҳ кичик бўлишига қарамасдан, универсал хусусиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади. Уларнинг таълимотларида дунё муаммоларини ҳал этицида куч омили мухим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Маълумки, АҚШ президенти Ж.Буш ва унинг ҳукумат аъзолари республикачилар партияси вакилларидир. Уларнинг буунги кундаги ташки сиёсий стратегиялари реализм таълимотига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан Афғонистон ва Ирокда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар бунинг мисолидир.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, замонавий ҳавфсизлик концепциялари ўз традицион ёндашувларини йўқотиб бораётгандлиги ҳамда эволюцион даврни бошдан кечираётгандлиги маълум бўлди. Улар борган сари индивидуал миллий ҳавфсизликка асосланиб бормоқда. Мазкур шароитда нафақат миллий ҳавфсизлик, шунингдек, миллий манфаатлар тизими ҳам баъзи бир ўзгартирицларга муҳтоҷ бўлиб қолмоқда. Буунги кунда миллий манфаатлар нафақат давлат ёки унинг иттифоқчиларининг шахсий манфаатларини, балки бутун дунё ҳамжамиятининг манфаатларини ўз ичига камраб олиши зарурлиги маълум бўлди. Шунингдек, ушбу параграфда ҳавфсизлик муаммоси юзасидан билдирилган фикр ва қарацлар ўртасида ўзига хос умумийлик ҳамда фарқлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг айримлари ҳавфсизликни таъминлашда шахс омилига катта эътибор қаратган бўлса, баъзилари давлатни олий қадрият сифатида, бошқалари эса давлатларнинг ролини пасайтиришга, халқаро ҳамжамият ва халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Улар орасидаги умумийлик эса ҳавфсизликнинг долзарблигини эътироф этилишида ҳамда уни таъминлашда ҳарбий куч омилига бўлган ёндашувнинг ўзгаришида акс этмоқда. Замонавий халқаро муносабатларда цаклланаётган янги ҳавфсизлик тизими нафақат ҳарбий, балки инсоннинг эркинлик, тенглик, ҳакиқат ва адодатта бўлган қонуний инилишларини таъминловчи иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни ҳам ўз ичига камраб олиши зарурлиги маълум

бўлди. Шунингдек, давлатлар янги шарт-шароитдан келиб чиқсан ҳолда ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлигини тўла ҳис этган ҳолда, ўз миллий манфаатларини белгилашда дунё ҳамжамияти манфаатларини ҳисобга олишлари зарур эканлиги илмий жиҳатдан исботланди.

Мазкур параграфнинг “Хавфсизликни таъминлашда АҚШнинг миллий концептуал модели” бўлимида АҚШ миллий хавфсизлик концепциясининг асосини ташкил этган ижтимоий-сиёсий гоялар, қадриятлар борасидаги тасаввурлар, методологик ёндашувлар, сиёсий режа ва дастурлар, давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ белгиланган стратегияси илмий таҳлил этилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий мақсадларнинг асосий критерияси бўлмиш демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатининг дунё минтақаларида (Шарқий Европа ва собиқ СССР ҳудудидаги янги мустақил давлатларда) фаол олиб борилиши АҚШ манфаатларининг жаҳоннинг бошқа ҳудудларига тарқатилишидир. Яъни, АҚШнинг «ҳаётий муҳим» минтақаларидаги демократик жараёнлар ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши мазкур ҳудудда мамлакатнинг миллий манфаатларининг таъминланиши ҳисобланади. АҚШнинг хавфсизлик соҳасида олиб бораётган ташкил ва ички сиёсати ҳамда миллий хавфсизлик стратегиясининг таҳлили шуну кўрсатмоқдаки, мамлакат миллий хавфсизлигининг асосий негизини миллий манфаат, қадрият ва мақсадлар ташкил этади. Иккинчидан, миллий манфаат ва мақсадларни ўзида акс эттирган АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга тез мослашишга, миллий манфаатларга таҳдидларни аниқ белгилашга, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга қаратилган механизм саналади. Учинчидан, бугунги кунда АҚШ давлати дунёда ўзининг етакчилик мақомини сақлаган, минтақалардаги (Шарқий ва Фарбий Европа, МДҲ давлатлари ҳудуди) демократик режимларни кўллаб-куvvatлаган ҳолда, миллий манфаат ва мақсадларини ҳимоя қилиш борасида сиёсат олиб бормоқда. Ўз навбатида, шаклланаётган янги жаҳон тартиботи АҚШ учун ўзининг шахсий хавфсизлик муаммоларини келажакда ҳал этиш воситаси сифатида кўрилмоқда.

Ушбу параграфнинг “Россияда хавфсизлик борасидаги концептуал ёндашувларнинг ўтиш (транформация) даври” бўлимида Россия тарихида хавфсизлик ҳақидаги қараш ва ёндашувларнинг шаклланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари тизимли таҳлил этилди. Унда жумладан, Россиядаги мавжуд барча либерал таълимотларда XX аср - ижтимоий сиёсат асри бўлиши зарурлиги таъкидланганлиги ҳамда унинг асосий вазифаси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш

еканлиги эътироф этилди. Бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг асосий шарти эса ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, деган фикр ва гоялар илгари суритган. XX аср либераллари шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлашда давлатни асосий гарант сифатида тан олганлар. Уларнинг тасаввурларида, давлат ўз ижтимоий, сиёсий, иктиносий фаолиятида шахс ва жамият хавфсизлиги ҳақида жон куйдиради. Шу билан бир қаторда, бугунги замонавий Россия миллий хавфсизлик концепциясининг асосий, муҳим ва устувор йўналишлари белгиланди. Хавфсизлик борасидаги концептуал ёндашув ва қарашларнинг янги ривожланиш босқичи Россия Федерациясининг ислоҳотлар даври билан бевосита борглик. Замонавий концептуал қарашлар тизимидан келиб чиқсан ҳолда, РФ миллий хавфсизлигининг устувор мақсади шахс, жамият ва давлат тараққиёти учун керакли шароитларни яратишда, мамлакатнинг ҳалқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги обрўсига птур етказувчи омилларни бартараф этиш юзасидан иктиносий, сиёсий, ҳалқаро стратегик ҳолатни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Концепциянинг таҳлили шуни кўрсатадики, унинг асосий мазмунини миллий манфаатлар ва уларнинг таҳдидлари ташкил этади. Мазкур ҳужжатда давлат манфаатлари сифатида ЕвроПсиё минтақасида таъсир кучига эга бўлган қудратли давлат сифатида конституцион тизимни химоя қилиш; унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш; сиёсий, иктиносий ва ижтимоий барқарорликни тиклаш; қонун ижросини таъминлаш; ҳамкорлик асосида ҳалқаро алоқаларни йўлга кўйиш; ташки мухит шароит ва ресурслари борасида мувозанатли ва адекват мудофаа сиёсатини олиб боришида деб кўрсатиб ўтилган²⁰. Ҳалқаро соҳадаги фаолиятига эса дунёнинг муҳим ва глобал муаммоларини ҳал қилишда РФнинг ролини пасайтириш ва ҳаракатларини чеклашга ҳамда уни ташки дунёга тобелик даражасини оширишга қаратилган салбий омилларга қарши курашиш киради.

“Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик ҳақидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши” номли биринчи боб иккинчи параграфининг навбатдаги бўлимида Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда хавфсизлик борасидаги концептуал қарашларнинг вужудга келиши тарихи, уларнинг шаклланиш жараёни ҳамда ушбу ҳудудда ўтмишда яшаб, ижод қилган файласуф олимлар қарашларида хавфсизлик масалалари юзасидан билдирилган фикрлар, гояларнинг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган. Хавфсизлик масалалари юзасидан мавжуд

²⁰ Концепция национальной безопасности Российской Федерации от 17.12.1997 №1300. – В ред. от 10.01. 2000. –Преамбула.

қарашларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур гоялар Farb давлатларига нисбатан анча илгари ривожланган. Ўзбекистон ҳудудида сиёсий қарашлар эрамиздан аввал, тахминан тўрт мингинчи йилларда вужудга келган бўлиб, улар асосан диний-сиёсий мифология шаклида ривожланган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар Farbda либерал гоялар XVII-XVIII асрларда вужудга келган бўлса, Марказий Осиё ҳудудида бу таълимотлар анча илгари IX-X асрлардан шакллана бошлаган. Уларда асосий ургу инсон ва жамият манфаатлари, ҳак-хукуқларини таъминлаш, адолатли жамият куриш, бу борада нафақат қўшни давлат ва халқлар, балки душман мамлакатлар билан ҳам муроса қилиш, вазмин сиёсат олиб бориш каби масалалар ўз аксини топган. Марказий Осиё ҳудудида, жумладан, мамлакатимиз тарихида хавфсизлик борасида шаклланган гоя ва қарашларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биз бугун жуда катта бой илмий, сиёсий, маданий салоҳият ва тажрибага эгамиз. Уни ўрганиш, чукур таҳлил қилиш ҳамда замонавий шароитга мослаштириш миллий манфаат ва мақсадларни тўғри аниқлашнинг, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини самарали шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда замонавий шароитдан келиб чиқкан ҳолда миллий манфаатларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлаш жараёнининг асосий тенденциялари»га багишланган бўлиб, унда замонавий халқаро муносабатлар тизими ҳамда шаклланаётган янги жаҳон тартиботи шароитида Марказий Осиё минтақасининг роли ва аҳамияти, унинг геосиёсий кўрсаткичлар ва салоҳияти, Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ҳолати ва унда кечеётган геосиёсий жараёнлар, минтақа давлатларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги ички ва ташки сиёсатининг асосий жиҳатлари хусусиятлари белгиланиб, улар ягона тизим остида илмий таҳлил этилди.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «Марказий Осиё янги жаҳон тартиботи шароитида» деб номланиб, Марказий Осиё минтақасининг бугунги замонавий халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни ва роли ҳамда унинг геосиёсий жиҳатлари далиллй таҳлил этилади. Жумладан, Марказий Осиё минтақаси ўз геосиёсий, геоикстисодий ва геостратегик аҳамиятига кўра, дунёнинг муҳим ҳудуди сифатида эътироф этилади. Бунда икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар минтақага оламшумул геоикстисодий ва геосиёсий ўлчовларни баҳш этмоқда. Диссертация ишида минтақанинг геостратегик шароитини белгиловчи омиллар белгиланди. Булар минтақани Шимол ва Жануб, Шарқ ва Farbning

ўта мухим транспорт-коммуникация йўллари билан боғловчи ҳудуд, ислом ва христиан, Шарқ ва Фарб цивилизацияларининг тўқнаш чизиги, йирик геостратегик кучлар (Россия, Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ) манфаатлари мавжуд ҳамда табиий ресурсларга жуда бой минтақа эканлигига намоён бўлмоқда. Маълумки, минтақа нефть ва газ, олтин, уран, рангли металлар захираларига бой ҳудуд. Бу эса чет эл давлатларини доимо ўзига жалб этиб келган. Истикболда бу ҳудудда жуда кўп микдорда углеводород ҳом ашё захираларини кашиф этиш кутилмоқда. Марказий Осиё ва Каспий минтақаси энергоресурсларини ҳал этиш геосиёсий аҳамият қасб этувчи масала ҳисобланниб, жаҳон бозорларига нефть ва газ трубалари қайси йўл, қайси давлатлар ҳудудлари орқали ўтиши дунё стратегик кучлари учун ўта мухим. Буларнинг барчаси дунёдаги етакчи мамлакатлар ўртасида манбаатлар рақобатининг кучайишига ҳамда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Натижада минтақа табиий бойликлари ва кулагай геосиёсий шароитни назоратга олиш мақсадида дунёнинг йирик давлатлари ўртасида ўзига хос сиёсий «катта ўйинлар» бошланиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, сўнги пайтларда минтақа мамлакатлари дуч келаётган кўплаб муаммоларга сабаб бўлди. Минтақа давлатларининг улиган геосиёсий майдонни эгаллаши, умумий инфратузилмага, бир-бирига боғлик иқтисодиётга эга бўлишига қарамасдан, улар дениз коммуникацияларидан анча узокда жойлашган, яъни мазкур ҳудуд континентал ҳисобланади. Бу геосиёсий ҳолат ташки сиёсатда маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Афронистон муаммоси маълум даражада ҳал этилганлигига қарамай, минтақада маълум маънода қескинликлар кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, ҳалқаро ҳамкорлик ва минтақавий интеграция масаласини минтақа давлатлари ташки сиёсатининг устувор вазифаси сифатида шаклланишига олиб келди. Мазкур параграфда ўтиш даврида минтақа давлатлари сиёсатида учта ўзаро алоқадор тенденция (дизинтеграция, реинтеграция, интеграция) мавжудлиги кузатилди. Бугун минтақада интеграция жараёнларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳукуқий замин ҳозирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси асосида икки ҳалқаро ташкилот - Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти (ОЦАС) ва ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАЗЭС)нинг кўшилиши юз берди. Бу воқеа дунё сиёсий тизимининг ўз мааний ва табиий тараққиётни натижасида содир бўлди. Минтақавий хавфсизлик масаласида ҳалқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизмга қарши кураш, иқтисодий ҳамкорликда эса минтақавий интеграция устувор йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Бу йўналишда минтақавий ўюпма ва

ташкылтлар (ШХТ, МДХ, ОДКБ, ЕврАЗЭС) доирасида фаолият олиб бориши ҳамда мувофиқлаштириш күзде тутилган. Давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги тенг ҳукуқийлик ва ўзаро манбаатлар уйғунлигиде олиб борилиши алоқаларнинг давомийлиги ҳамда уларнинг самаралилигига катта таъсир ўтказади. Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги иштирокининг жадаллашиши маълум даражада минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг жадаллашувига ва конструктив ўзаро ҳамкорлик олиб боришига ундейди.

Халқаро сиёсий тадқиқот доираларида Марказий Осиёнинг роли ва ўрнини концептуал жиҳатдан қайта аниглаш жараёни кузатилмокда. Бу тенденция Марказий Осиё атрофидаги «катта ўйин» кенг маънода ҳали ўз якунини топмаганлигини кўрсатади. Янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши уларга нафақат янги имкониятларни берди, балки янги таҳдидларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда қатор тадқиқотчилар минтақа атрофидаги «катта ўйин» янада куччилоқ ифодаланаётганлигини кўрсатишмокда²¹. Бу ўйиннинг янгидан бошланиши ноаниқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўз ўнгимизда зиддиятларнинг янги моҳиятга эга бўлган иқтисодий сабаблари намоён бўлмоқда. Сўнгги пайтларда Марказий Осиёда ресурс ва бозор учун курашнинг энг жадал боскичга кирганинги кўрсатувчи далиллар кўзга ташланмоқда. Афғонистон, Қирғизистондаги воқеалар билан боғлиқ жараёнлар минтақада «катта ўйин» бошланишининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтсак, жаҳондаги йирик корпорацияларнинг манбаатлари борган сари бу ҳудудда янада кўпроқ тўқнашади. Баъзан мазкур кураш иқтисодий, айрим ҳолларда сиёсий манзарани касб этади. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши нафақат минтақа давлатларининг, балки кенг миқёсда МДХ давлатлари, Россия ва Хитойнинг манбаатларига мос келиши шубҳасизdir. Табиийки, бу жараён ўзига хос қийинчилик ва муаммолар билан кечмоқда. Демак, ҳар бир давлат ўз ташки сиёсатини миллий манбаатлар асосида олиб бораар экан, бу жараёнда ташки дунё муҳити манбаатларини эътиборга олган, мувозанатни сақлаган ҳолда амалга ошириш муҳим масала саналади. Бу эса минтақа давлатларидан минтақавий хавфсизлик тизимини тобора ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишни талаб қиласди.

«Марказий Осиё давлатларининг ички ривожланиши ҳолати»

²¹ Мазкур фикр 2005 йил 20-21 октябрь кунлари Тошкентда “Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари” мавзуига багишланган халқаро конференцияда В.Никонов томонидан билдирилди.

номли иккинчи параграфда Марказий Осиё давлатларининг ички ривожланиш жараёнлари, уларда 1991-2005 йиллар давомида кечган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларниң ўзига хос хусусиятлари таҳдил этилган. Маълумки, кейинги ўн йил мобайнида мазкур масала юзасидан кўплаб чет эл ва минтақа олимларининг илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Шу ўринда айтиш лозимки, олимлар томонидан ушбу масалага оид турли фикрлар билдирилмоқда. Аксарият олимлар, жумладан, АҚШ, Россия ва бошқа Европа давлатлари мутахассислари томонидан берилган мулоҳазалар билан минтақа олимларининг қарааш ҳамда хulosалари ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Агар хорижий олимлар томонидан келтирилган фикрлар кўпроқ танқидий хulosаларга асосланган бўлса, минтақа олимларининг тадқиқотларида ўз мамлакатларидаги ривожланиш жараёнларига ижобий ёндашиб кузатилемоқда. Мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, биз ҳам Марказий Осиё давлатларининг ривожланишини, бу минтақада охирги ўн йиллик ичida кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларни кўриб чиқишни, уларни ўзаро солишириш ва таҳдил этишни лозим топдик. Зоро, бу минтақадаги хавфсизлик тизимиning ҳолати, унинг таҳдидлари, муаммолари, ютуқ ва истиқболларини белгилашда муҳимdir.

Олиб борилган таҳдиллар натижасида маълум бўлдики, уларниң барчасида кечаётган ички жараёнлар “үтиш давр”ига хос характеристерга эга. Бу умумийлик қўйидагиларда намоён бўлмоқда:

-собиқ иттифоқ иқтисодининг парчаланиши оқибатида минтақа давлатларида иқтисодий ислоҳотлар олиб бориш зарурияти ва бу жараёнда молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёж ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириши;

-иқтисодий ислоҳотлар даврида юзага келган ижтимоий муаммолар, жумладан, ишсизлик, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, демографик масалалар каби муаммолар натижасида ижтимоий вазиятнинг кескинлашуви ҳамда бу, ўз навбатида, мамлақатда миллий уйгунлик ва бирдамликнинг сусайишига олиб келиши;

-иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг юзага келиши минтақада, хусусан, ташки кучлар иштирокининг ортиши, ташки таҳдидлар (халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва ҳоказо)нинг ички таҳдидлар билан уйғуланиш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Аммо иқтисодий ривожланиш даражаси, давлатчиликнинг тараққиёт жараёни, ички сиёсатдаги устувор вазифалар нуқтаи назаридан улар бир-биридан фарқ қиласди. Давлатларининг барчасига хос бўлган бу хусусиятлар ва ўзаро фарқлар уларниң миллий ва минтақавий сиёсатининг асосий омилларини ташкил этади.

«Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсатида минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари» номли учинчи

параграфда биз миңтақа давлатлари ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини кўриб чиқишига ҳаракат қилдик. Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, Марказий Осиё миңтақаси давлатларининг барчасида миңтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, мамлакатларнинг ташқи сиёсий фаолияти уларнинг миллий манбаатлари асосида шаклланган ҳолда, унинг асосий мақсади мамлакат тараққиёти ва барқарорлигини таъминлашда намоён бўлмоқда. Бугунги кунда жаҳонга юз тутган миңтақа давлатлари ҳалқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиш, дунёнинг етакчи давлатлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда миллий тараққиётни таъминлаш мақсадида икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манбаатдор. Аммо, шу билан бир қаторда, уларнинг ташқи сиёсатида бир қанча масалалар юзасидан ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар, биринчи навбатда, уларнинг геосиёсий (жуғрофий жойлашув, демографик омиллар, табиий бойликлар ва х.з.), иқтисодий ҳамда сиёсий йўналишларида акс этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Марказий Осиёда миңтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ташқи ва ички омиллари**” деб номланиб, унда Марказий Осиё миңтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигининг долзарб муаммолари, унинг ички ва ташқи омиллари тизимли таҳлил этилган бўлиб, миңтақада дунё стратегик кучларининг мавжуд манбаатлари қиёсий таҳлил этилган. Жумладан, «**Марказий Осиё миңтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигининг долзарб муаммолари**» номли мазкур бобнинг биринчи параграфида миңтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларнинг келиб чиқиши сабаблари, омиллари ва шарт-шароитлари сиёсий нуқтаи назардан тизимли таснифланган. Маълумки, социология фанида тизимли таҳлил усули мавжуд бўлиб, ундан, асосан, жамиятда юз берадиган воқеа ва жараёнларни таҳлил қилишда кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилаётган объективнинг мазмун-моҳияти, фаолият динамикаси, унга таъсир этувчи омилларни кенгроқ ёритишга ёрдам беради. Марказий Осиё миңтақаси географик, маданий, диний, ахлоқий, тарихий, иқтисодий жиҳатдан ягона ижтимоий тизимни ташкил этади ва унинг таснифи маълум муаммолар ечимига бўйсуниб, сиёсий, иқтисодий, экологик, ҳарбий ва бошқа ўзига хос мақсад ҳамда вазифаларига эга бўлган турли институтлар йигиндисида акс этади. Шунинг учун ҳам миңтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни таҳлил этишда бундай ёндашувни қўллаш илмий билимларнинг объективлигини оширишга, таҳлил этилаётган объективнинг бошқарувида самарали йўлни белгилашда, ягона миңтақавий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқицда бир қанча имкониятлар яратади. Марказий Осиёда миңтақавий хавфсизлик ва

барқарорлик муаммолари түхтисида түхталар эканмиз, миңтақа давлатлари атрофидаги вазиятни комплекс ўрганиш ҳамда уларда кечеётган туб ўзгаришлар, жумладан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мухимдир. Собиқ иттифоқ хавфсизлик тизимининг парчаланиши ва бу ҳудудда янги хавфсизлик тизими шаксланиши табиийки ўта мураккаб жараёндир. Унинг мураккаблиги шундан иборатки, хавфсизлик тизими барча ижтимоий ҳаёт соҳаларини қамраб олган бўлиб, ундаги баъзи носозликлар охир-оқибат барча соҳаларни ҳам қамраб олади ва кутилмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу параграфда биз мутахассислар томонидан кўрсатилган Марказий Осиё хавфсизлигига таҳдидларни таҳлил этиш натижасида уларни 5 та блокка таснифладик:

Биринчи блокка диний ва сиёсий экстремизм, халқаро терроризм ва наркобизнес каби омиллар киритилди. Илмий адабиётларда мазкур омиллар бевосита Афғонистон билан боғлиқларни алоҳида таъкидланди. Маълумки, миңтақа давлатларида мустақилликнинг биринчи йилида ёк Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳам миллий, ҳам миңтақавий хавфсизликни борасида устувор вазифа сифатида эътироф этилди.

Таҳдидларнинг иккинчи блокига тадқиқотчilar томонидан кўрсатиб ўтилган давлатларaro қarama-қarшиликлар, зиддиятлар киритилди. Бу, аввало, миңтақа давлатлари ўртасидаги чегараолди дарё сувларидан самарали фойдаланиш муаммолари²², чегараларни делимитация ва деморкация килиш билан боғлиқ ҳудудий масалалар²³ ва этник зиддиятлар²⁴, экологик, иқтисодий муаммолар билан боғлиқ.

Таҳдидларнинг учинчи блоки сифатида глобализация оқибатида ривожланаётган технологик тараққиётдан миңтақа давлатларининг ортда колиб кетиши кўрсатилди²⁵. Халқаро муносабатлар тизимида юз беражтан глобализация, албаттa, объектив ва зарурий қонуният бўлиши билан бир каторда, у жуда шафқатсиз жараёндир. Чунки унинг имкониятлари ҳамма давлатларга бирдек тақсимланмайди. Ундан фақат ривожланган

²² Суюнбаев М., Мамытова А. Природные ресурсы как фактор развития Центральной Евразии // Центральная Азия и Кавказ. -1998. -№1. -С. 31; Усубалиев Т.У. К вопросу о водных ресурсах Кыргызстана // Центральная Азия. -1998. -№1(13). -С. 88.

²³ Алымкулов Н.А. Территориальные споры в новейшее время // Материалы международного семинара преподавателей политологии. -Бишкек, 17-18 мая 1996. -Бишкек, 1996; Олимова С. Национальные государства и этнические территории // Многомерные границы Центральной Азии. -М., 2000. -С. 14-27; Туарбеков Б. Делимитация границы как она есть // Континент. -2000. -№22.

²⁴ Кузнецова С. Новые государства Центральной Азии и их этнонациональные проблемы // Россия и окружающий мир: контуры развития. -М., 1996. -С. 242-264.

²⁵ Кузнецова С. Международное положение в Центральной Азии // Востоковедение и африканистика. -М., 1999. -№1. -С. 45-55.

давлатлар, трансмиллий корпорациялар катта даромад олади. Марказий Осиё давлатлари учун бу жараёндан келадиган энг катта хавф уларнинг халқаро бозорда хом ашё базаси сифатида қолиб кетишидир. Бунда минтақавий иқтисодий интеграцияни шакллантириш ва кенгайтириш масала ечимининг асосий шартларидан бири эканлиги кўрсатилди.

Тўртингчи блокдаги таҳдидларни сиёсанунослар бевосита геосиёсат билан боғлайдилар²⁶. Марказий Осиё минтақаси инсоният тараққиётида, халқаро кучлар мувозанатида доимо мухим геостратегик роль ўйнаб келган²⁷. Баъзи хориж олимлари мазкур омилларга катта эътибор қаратган ҳолда уларни таҳдид сифатида кўрсатадилар²⁸.

Бешинчи блокка биз бугунги кунда айрим Фарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда асосий воситага айланган «демократия экспорти», «иккиёклама стандарт» сиёсати ва «ахборот хуружи» каби воситаларни киритмоқчимиз.

Собиқ иттифоқнинг парчаланишидан сўнг бу ҳудудда кўплаб янги давлатлар вужудга келди. Улар янги тизим барпо этишга, халқаро муносабатларда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилиди. Бу ҳолат эса айрим Фарб давлатларининг геосиёсий ва геоиктисодий манфаатларини бу ҳудудда жойлаштиришга катта имконият очиб берди. Натижада Фарб демократия модели тарғиб қилина бошланди. Албатта, бу ҳаракатлар турли нодавлат ташкилотлар, лойихалар, фондлар орқали амалга оширилди. Аммо бу ташкилотларнинг фуқаро, шахс, жамият ва давлатнинг умумий манфаатлари, демократик жараёнлар эмас, балки айрим давлатлар манфаатларининг ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши унга бўлган салбий реакцияни ошириши билан бирга, халқаро ҳуқуқий мезонларнинг бузилишига олиб келади. Бугунги кунда айрим Фарб давлатлари томонидан Марказий Осиё давлатларига ўз геосиёсий йўналишларида «гарб демократия» моделини мажбурлаб тарғиб қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Улар давлатда конституцион тузумни ағдаришга ва жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган. Айрим Фарб давлатларининг нодавлат ташкилотлари (ННТ) ўз фаолиятлари давомида Марказий Осиё минтақасининг ўзига хослителлини, унинг шарт-шароит ва урф-

²⁶ Хлюпин В. Война, ислам и geopolitika: Россия и Центральная Азия в XXI веке. -М., 2000.

²⁷ Сафоев, С. Марказий Осиёда кечёттган геосиёсий жараёнлар ва минтақанинг ҳозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида туттган ўрни // Халқаро муносабатлар. -Т., 2005. -№3. -С. 6.

²⁸ Максименко В. Центральная Азия и Кавказ: основание geopolитического единства // Центральная Азия и Кавказ. -2003. -№3 (9). -С. 64; Исмагамбетов Т. Структурирование нового geopolитического пространства Центральной Азии: региональные особенности и перспективы // Центральная Азия и Кавказ. -2002. -№2 (20). -С. 7-16.

одатларини эътиборга олмаган ҳолда ҳаракат олиб боришмоқда. Охир-оқибатда улар томонидан қўллаб-куватланаётган объектлар мавжуд ҳокимиётни агдариш, ислом халифалигини ўрнатиши мақсадида яширинча фаолият юритаётган минтақавий ва ҳалқаро экстремистик ҳамда террористик ташкилотларнинг аъзолари бўлиб чиқмоқда. Бу фаолият на демократик қадриятларни дунёга ёйишга, на ҳалқаро ҳуқуқий нормативларга мос келади. Қизиги шундаки, минтақадаги бекарорлик минтақа давлатларининг миллый ҳавфсизлигига, йирик куч марказларининг манбаатларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бундан ташқари, мазкур ҳалқаро нодавлат ташкилотлар томонидан давлатларнинг ички ишларига араласиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг натижасида давлатлардаги ҳуқуқ тартибот ва суд органларининг фаолиятида қийинчиликлар юзага келмоқда. Бундай аралашишлар ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлиб, давлат манбаатларига таҳдид солади. Бу ҳаракатлар эса бевосита «ахборот хуружи» билан амалга оширилмоқда ва бугунга келиб, у миллий ва минтақавий ҳавфсизлик таҳдида сифатида шаклланди.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи **«Марказий Осиёнинг геостратегик тараққиётида ташқи омилларнинг роли»** деб номланади. Мазкур параграфда дунёнинг стратегик кучлари ҳамда минтақага яқин жойлашган давлатларнинг Марказий Осиёга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсати ва уларнинг миллый манбаатлари таҳдил этилди. Унда жумладан, Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи каби йирик давлатларнинг минтақадаги фаолияти, уларнинг манбаатлари ва ташқи сиёсатининг устувор тамойиллари қиёсий таҳдил этилди. Таҳдиллардан маълум бўлдики, Марказий Осиё минтақаси Россия учун унинг миллый ҳавфсизлигининг асосий элементи, энг аввало, минтақавий ва минтақалараро ҳавфсизликни таъминлаш ҳамда иқтисодий интеграция омилидир.

Хитой ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақавий ва минтақалараро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш (ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм), сиёсий, иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида кўрилмоқда.

Бугунги кунда АҚШ миллий манбаатлари Марказий Осиёда ҳавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамда энергетика ресурслари борасида фаол ҳамкорликни ўрнатишида намоён бўлмоқда. Шу маънода, Вашингтоннинг геосиёсий мақсадлари Марказий Осиё мамлакатларида нефть-газ саноатини ривожлантиришни қўллаб-куватлашдан иборат. Нефть маҳсулотларига ортиб бораётган жаҳон эҳтиёжларини қондириш учун минтақа энергетика ресурсларини ишончли ва самарали экспорт қилишини таъминлаши

мумкин бўлган Шарқ-Фарб энргетика транспорт коридорини ривоҷлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Европа Иттифоқи давлатларининг ташки сиёсий фаолиятида минтақанинг табиий бой хом ашё, энергетик ресурслари ўзига жалб этиб бормоқда. Бу эса ЕИ давлатларининг нефть ва газ соҳасидаги манбаатларида намоён бўлмоқда. Дунё бўйлаб, энергетик ресурсларни камайиб бориши ЕИ ташки сиёсатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. ЕИ давлатларининг Марказий Осиёдаги энергетик сиёсати бевосита минтақага туташ бўлган Каспий ҳудуди билан боғлик. Бугунги кунда минтақада нефть ва газ соҳасида (яъни, қазиб олиш ва қайта ишлаш) кўплаб ЕИ давлатларининг етакчи компаниялари фаолиятни олиб бормоқда.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи **«Марказий Осиё ресурс салоҳиятининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти»** деб номланади. Унда XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиё ва Кавказ киритилган минтақада ҳануз дунёнинг кўплаб мамлакатлари манбаатлари мавжуд ҳудуд сифатида эътироф этилиши, кечачётган глобал сиёсий жараёнлар буюк давлатларининг Марказий Осиёга нисбатан манбаатлари қайтадан ўзгача шаклланаётганлигини таъкидлаган ҳолда, XX асрдан фарқли ўлароқ, бу даврда геосиёсий эмас, балки геоиқтисодий омиллар, ресурслар учун кураш асосий роль ўйнаши илмий хуроса сифатида кўрсатилиди. Бугунги минтақанинг қулай географик жойлашуви, углеводород захиралари, ноёб биологик ресурслар, транспорт йўлларининг кесишуви ва уларнинг янада ривоҷланиши бутун ҳудуднинг геосиёсий ва геостратегик аҳамиятини белгиламоқда. Тадқиқот натижаси сифатида захиралар бўйича каспий нефти жаҳонда учинчи ўринда туриши ҳамда бу омил турли куч марказларининг минтақа мамлакатлари атрофидағи сиёсатини белгилаб бериши аниқланди. Шу ўринда углеводород хом ашёсини, етказиб берувчи маънба сифатида Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг фундаментал оқибатлари кўриб чиқилди. Мазкур жараёнда АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Япония корпорациялари билан яқин ҳамкорлик олиб бориши зарурлиги, энг замонавий технология ва катта молиявий русурсларсиз масалани ижобий ҳал этиш ўта мушқуллиги кўрсатилди. Бу, ўз навбатида, Марказий Осиёда АҚШ, Фарбий Европа ва Япония ҳаракатларини мувофиқлаштиришини тақозо этади. Шу билан бирга, Хитой омилининг роли ҳам илмий таҳдил этилиб, унда мазкур йўналиш ҳам ўзига хос мухим аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири эканлиги эътироф этилди. Воқеаларнинг ҳар қандай ривожида ҳам Марказий Осиё мамлакатларининг глобал иқтисодий маконга интеграциялашувининг жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди ҳамда бу кўрсатилган

тенденцияларнинг баъзан кескин зиддиятлар остида ривожланиши мумкинлиги башорат қилинди. Бу борада, биринчи навбатда, Россия ва Ғарб корпорациялари манфаатларининг тўқнашуви натижасида кескин инкизоз юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларидағи вазият шуниси билан характерланадики, минтақа ва минтақадан ташқаридаги давлатларнинг манфаатлари ўзаро фарқ қиласи. Бу тўлиқ маънода тарихий шарт-шароит туфайли минтақада «етакчи ўйинчилар»га айланган Россия ва АҚШга хос. Шу маънода, уларнинг сиёсатини Москва ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. 2001 йилдан сўнг Россия АҚШни халқаро терроризмга қарши курашда қўллаб-кувватлагач, Ж.Буш маъмурияти Россияга нисбатан муносабатига тузатишлар киритди ва яқин алоқаларни ўрнатиш ташаббусини илгари сурганди. Бу мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви терроризмга қарши кураш давомида юз берди, зеро, бу уларнинг манфаатларига мос эди. АҚШнинг минтақавий сиёсатидаги янги босқич 2002 йил ўрталарига тўғри келади, бу даврда Америка ва Россия манфаатлари халқаро терроризмга қарши кураш, минтақада барқарорликни қўллаб-кувватлаш каби глобал масалалар бўйича ёндашувларида ўзаро фарқлар вужуда кела бошлиди. Бунга яққол мисол Каспий углеводородларини экспорт қилиш атрофида юзага келган вазиятдир. Бу мамлакатлар Россиядан озод бўлишга интилиб, АҚШ томонидан қўллаб-кувватланди. Москва минтақадаги углеводородларни ўз ҳудуди орқали олиб ўтишини назаратта олиш тарафдори. Мазкур жараёнда, фикримизча, Марказий Осиё мамлакатлари нафакат АҚШ ва Россия манфаатларини, балки Европа Иттифоки давлатларининг минтақадаги доимий геоиктисодий манфаатларини инобатта олган ҳолда, уни мувофиқлаштириш ҳамда улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишлари муҳим ҳисобланади. Зеро, бу фаолият минтақада кучлар мувознатини саклашга, ҳудудни глобал сиёсий ва иқтисодий маконнинг таркибий қисмига айланишига хизмат киласи.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш истиқболлари**” деб номланиб, унда минтақавий хавфсизликни таъминлашда халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг роли ва аҳамияти, минтақа давлатларини бу борада олиб бораётган фаолияти тизимли таҳлил этилган. Ундан ташқари бу ҳамкорликни ривожлантиришда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг роли ҳамда унинг аҳамияти таҳлил этилган.

«Халқаро ҳамкорлик – минтақавий хавфсизликни таъминлашда асосий омил» деб белгиланган биринчи параграфда минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий хавфсизликни фақатина дунё

мамлакатларининг ҳамжиҳатлиги билангина самарали таъминлаш мумкинлигини эътироф этган ташқи сиёсати, уларнинг халқаро майдонда олиб бораётган кўп томонлама муносабатларида хавфсизликни таъминлаш масаласи марказий ўринни эгаллаши таҳлиллар натижасида аниқланди. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигига эришгач, халқаро муносабатларнинг тенг ҳукуқли субъектига айланди. Минтақа давлатларининг барчasi халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрната бошлади. Улар Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика ҳамкорлик ташкилоти (НАТО) ва бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар, халқаро молиявий институтлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, минтақа давлатларининг халқаро майдондаги ҳамкорлиги, биринчи навбатда, уларнинг халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиш, минтақада хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, геосиёсий мувозакатни сақлаш мақсадида олиб борилаётганидан далолат беради. Зоро, бугунги кунда халқаро ҳамкорлик хавфсизликнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро муносабатлар тизимида халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни олиб бориш эса нафакат минтақада, балки дунёда хавфсизликни таъминлашга кенг имконият яратади. Бу борада халқаро ташкилотлар давлатларининг миллий манфаатларини уйғулаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қиласиди. Ўзбекистон Республикаси ва минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши мавжуд хавф-хатарни англаб етиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чикишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Олиб борилган таҳлиллар натижасида биз мазкур ҳамкорликни шартли равишда икки йўналишга бўлиб кўрсатишшимиз мумкин:

Биринчиси, бу минтақа давлатларининг хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан минтақавий ҳамкорлиги, иккинчиси, минтақа давлатларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигидир. Бироқ жаҳон сиёсатидаги сўнгги ўзгаришлар оқибатида дунёдаги геосиёсий өзиёт ўзгача шаклланмоқда. Маълум бўлдики, бу жараёнда халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ, ЕХХТ, НАТО ва бошқа минтақавий уюшмалар фаолияти ҳамда уларнинг тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласи тобора долзарблашмоқда. Бу борада уларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, улар фаолиятида ўзаро тенглик, хурмат ва ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш каби масалалар кун тартибидан жой олмоқда. Зоро, бугунги кунда ташкилот доирасида айрим ривожланган давлатлар манфаатларининг устуворлиги сақланиб қолмоқда. Бу эса ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг

самараасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда минтақа давлатларини муайян давлатларнинг ёки халқаро ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги, энг аввало, уларнинг ташки сиёсати, айниқса, ўзаро муносабатларига боғлиқдир. Шу боис, минтақа давлатлари ўз миллый манфаатларини ўзаро уйғулаштиришлари ҳамда дунё ҳамжамиятининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро даражадаги манфаатлар билан мослаштиришлари муҳим аҳамият қасб этади.

Шу боисдан биз илмий ишимиизнинг тўртинчи боб иккинчи параграфини «**Марказий Осиёда минтақавий интеграция ҳолати ва истиқболлари**»га бағишладик. Унда Марказий Осиё мамлакатлари ўз давлат хусусиятларини, ички тарихий жиҳатларини баҳолай туриб, минтақавий интеграция жараёнлари келажакда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ислоҳотларда ҳал қилувчи аҳамият қасб этиши мумкинлигини чукур англаган ҳолда ушбу тарихий жараёнларга жадал киришиб бораётганлиги эътироф этилди. Илмий адабиётларда глобаллашувнинг жадал ривожланиш шароитида минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё давлатлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги борасида жуда кўплаб фикрлар билдирилган²⁹.

Марказий Осиёда узоқ асрлар давомида умумий яшаш тарзи шаклланиб келган. Ҳудуднинг тарихан бирлиги (дини, эътиқоди, тили, урф-одатлари, тарихи ва муаммолари) минтақада интеграцион жараёнларни ривожлантиришда асосий бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Айни пайтда, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциясига табиий таъсир этувчи бир қанча омиллар ҳам мавжуд. Бу, биринчи навбатда, сув манбалари ва транспорт йўлларининг умумийлиги, коммуникация ва энергетик ресурсларнинг бир-бирига алокадорлиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммо ва бошқалар. Мазкур геоиқтисодий бирлик минтақавий интеграцияга асос бўлиши ва ўз навбатида, ҳавфсизликни таъминлаш ҳамда интеграцияни ривожлантиришга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ минтақа давлат раҳбарлари юқоридаги омилларни ҳисобга олиб, мамлакатлар манфаатларига хизмат қиласидиган колектив ҳаракатлар институтларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берга бошладилар. Ушбу параграфда минтақада интеграцион ҳаракатлар босқичларини таҳтил этишга ва уларни таснифлашга ҳаракат қилдик. Минтақа давлатларининг интеграцияни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ташки сиёсатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қисқа вақт ичida бу

²⁹ Караванг: Фридман Л., Кузнецова С. Глобализация: развитые и развивающиеся страны // Мировая экономика и международные отношения. -М., 2000. -№10; Толипов Ф. Теория и практика региональной интеграции в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. -2002. -№2 (20). -С. 89-98.

худудда кўплаб минтақаларо ва минтақавий ташкилотлар юзага келди. Мазкур ташкилотлар бугунги кунга келиб турли суръатларда ва геосиёсий йўналишларда ривожланмоқда. Уларда, асосан, икки йўналишни: минтақадаги ички ҳамкорликни ҳамда уларнинг минтақадан ташқаридағи интеграция тузилмаларидағи алоқаларини кузатиш мумкин. Бу эса минтақа давлатларининг ташки сиёсатидаги ўзига хос геосиёсий йўналишлар ҳамда бу жараёнда ташчи куч таъсирининг мавжудлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Козогистон давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганлиги кузатилмоқда. Бу икки давлат минтақада ўзининг геосиёсий ва геоиктисодий мавқеига эга бўлган ҳолда икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга, минтақада стратегик кучлар мувозанатини сақлашга ҳамда савдо-иктисодий алоқаларни кенгайтиришга катта аҳамият қаратмоқда. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, Марказий Осиёда интеграцияни шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси:

-биринчидан, бу жараённи босқичма-босқич ва изчилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда,

-иккинчидан, оддий ҳамкорлик шаклларидан мураккаб шаклларга ўтишни назарда туттган ҳолда,

-учинчидан, уларнинг бу ҳамкорлиги барча иштирокчиларнинг мавжуд ва узоқ муддатли манфаатлари ҳар бир томон манфаатлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши зарур.

Ушбу концепцияни амалга оширишнинг муҳим шарти бозор ва давлат бошқаруви методларини уйғунлаштириш йўли билан иктисодий муаммоларнинг ечимини таъминлашга қодир интеграциявий механизmlарни яратиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, минтақа давлатларининг ушбу йўналишдаги олиб бораётган ҳаракатлари XXI асрда худуднинг тинчлиги, барқарорлиги, хавфсизлиги ва геосиёсий мувозанатини сақлаб қолишга ишонч билан қарашга ундумоқда. Зеро, минтақанинг келажақдаги ривожланиши ва тараққиёти халқаро муносабатларнинг сиёсий ва иктисодий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибда шаклланиш жараённида, мураккаб ўтиш даврида минтақа давлатларининг раҳбарларидан юксак маҳорат ва катта масъуллият талаб қиласи.

Тўртинчи бобнинг учунчи параграфи «Минтақавий хавфсизликини таъминлашда Ўзбекистонининг ўрни» деб номланади. Ўзбекистон ташки сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарорлигига таҳдид солаётган терроризм, наркобизнес, диний экстремизм каби омилларнинг ҳар қандай кўринишлага қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат. “Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик

худудига айлантиришни ташки сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белтилаб олганмиз", - деб таъкидлайди Ислом Каримов³⁰.

Ўзбекистон Республикаси ана шу мақсад йўлида қатор халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХХТ) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсатининг нақадар тўғри ва оқилюна эканлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди. Ядро хом ашёси захираларига кўра дунёда олдинги ўринларда турадиган Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида изчил сиёсат юритмоқда. Икки ядровий давлат Россия Федерацияси ва Хитой билан бевосита чегарадош бўлган Марказий Осиё учун мазкур масала жуда муҳим аҳамият касб этади. 2006 йил 8 сентябрда Қозогистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақа давлатлари ташки ишлар вазирлари томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Мазкур Шартномани ратификация қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қонун қабул қилинди, 2007 йилнинг 30 мартада Сенат томонидан мазкур қонун маъқулланди. Шундан сўнг 2007 йилнинг 2 апрелидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.

Кўшини Афғонистондаги урушнинг нафақат Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига, балки бугун дунё ҳамжамиятининг хавфсизлигига таҳдид эканлигидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб сўзлаган илк нутқида бутун дунё ҳамжамиятини огоҳ этган эди. Аммо Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳарқатларига ўз вақтида етарлича эътибор берилмай келинди. Афғонистонда узок вақт давом этётган уруш мобайнида халқаро наркобизнес, ноқонуний қурол-ярог савдоси, энг асосийси, халқаро терроризмнинг асосий ўчигига айланиб қолганлигини таъкидлаганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти юз бора ҳақ эди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган қўпорувчилик ҳаракатлари бутун дунё

³⁰ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдири. –Т: Ўзбекистон, 2005. 58-6.

ҳамжамиятининг ризоқланган мамлакатларини ўйлантириб қўйди. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш борасида илгари сурган ташабbusи нақадар тўғри ва ўринли эканлигини бутунги кунда кўпгина мамлакатлар тан олмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистоннинг тикланиш жараёнида иштирок этишга катта қизиқиш билдириди ва БМТ Дастури раҳбариятига мазкур масала бўйича таклиф билан мурожаат этди. Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни Афғонистонга гуманитар ёрдам бериш, мамлакатда транспорт инфратузилмасини, жумладан, йўллар, кўпприкларни қайта тиклаш ҳақида, таълим ва маориф соҳасида, курилиш ва ободончилик борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорликни олиб бориш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари эса минтақа давлатларининг ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги, чуқур тарихий илдизига эга эканлиги, маданий-маърифий алоқалари, тили ва динининг яқинлигидадир. Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлида қилинган ilk қадам бўлди. 1999 йили бу шартномага Тоҷикистон Республикаси ҳам аъзо бўлди. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон Республикалари ўртасида терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро ўюшган жиноятчиликка карши кураш юзасидан биргаликда ҳаракатлар тўғрисида шартнома имзоланди. 2005 йил октябрь ойида Санть-Петербург шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан МОҲТ ташкилотини ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАЗЭС) қўшилиши ҳамда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши борасида ташабbus илгари сурилди. 2006 йилнинг 26 январида мамлакатимиз ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташабbusи асосида рўй берган икки халқаро ташкилот – МОҲТ ва ЕврАЗЭСнинг қўшилиши жаҳон сиёсатида аввал кузатилмаган ҳодиса бўлди. 2006 йил 23 июня Минск шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисида Баённома қабул қилинди. 2007 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси томонидан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг ЕвроОсиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Мазкур Конун Олий Мажлиснинг Сенати

томонидан 2007 йилнинг 30 марта маъқулланди. 2007 йилнинг 2 апрелидан узбу Қонун кучга кирди. Ҳозирги мавжуд ҳолатнинг кўрсатишича, Ўзбекистон раҳбарининг олдинни кўра олган ҳолда бир қарорга келишига дунё сиёсий тизимининг мантиқий ва табиий тараққиёти турткি берди. Бунинг энг муҳим аҳамияти шундаки, бугунгача бир-бирини такрорлаб келаётган икки ташкилот битта ягона тизимга бирлашди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташабbus МДҲ худудида терроризмга қарши марказ тузишдан иборат бўлди. МДҲ раҳбарларининг учрашувларида мазкур масалани ҳал этиш ўта муҳимлиги таъкидланди. Шу маънода айтиш керакки, Ўзбекистон ташкиси сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бу минтақавий колектив хавфсизлик тизимларини шакллантиришдир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб бораётган фаолияти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида амалга оширилмоқда. Хавф-хатар ва таҳдидларнинг умумийлигини, Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдиди учун ўз масъулиятини хис этган ҳолда, Ўзбекистон 2001 йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Ислом Каримов ташабbusи билан 2004 йил Тошкентда мазкур ташкилотнинг минтақавий антитерористик тузилимасининг ташкил этилганлиги унинг амалий жиҳатдан олиб бораётган харакатидан далолатдир.

XXI асрнинг дастлабки йилларида халқаро хавфсизликка нисбатан терроризм, наркобизнес, диний экстремизм каби оғатлар жиддий хавф сола бошлаган бир шароитда унга қарши курашда давлатларнинг ташкиси сиёсати муҳим роль ўйнамоқда. Ўз навбатида, ҳозирги кунда халқаро хавфсизликни қарор топтириш учун минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи катта аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича жаҳон ҳамжамияти олдига куйидаги ташабbusлар билан чиқди:

- минтақавий хавфсизлик орқали халқаро хавфсизликни таъминлаш;

- халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнес каби иллатларга қарши кураш марказини тузиш;

- Марказий Осиёда ядросиз худудни вужудга келтириш;

- Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш учун «6+2» (Эрон, Покистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой, АҚШ ва Россия) гуруҳи ва халқаро ҳамжамиятнинг антитерористик кучлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда Афғонистондаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш.

Узбу тақлифларнинг амалга ошиши натижасида сиёсий тафаккурда юкоридаги таҳдидларни янгича баҳолаш, тушуниш, англани ҳолатлари вужудга келди ва шунга асосан, айни пайтда, халқаро хавфсизликни таъминлашнинг янги тартиблари

шаклланмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб бораётган ташки сиёсат стратегияси ҳар томонлама ўзини оқлаганлиги ва унинг тўғри шакллантирилганигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

3. ТАДИҚОТНИНГ ЯКУНИДА ҚУЙИДАГИ АСОСИЙ ХУЛОСА ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

1. Бугунги кунда замонавий хавфсизлик концепциялари ўз традицион ёндашувларини йўқотиб, эволюцион даврни бошдан кечираётгани маълум бўлди. Бу ҳолат, ўз навбатида, минтақавий хавфсизликнинг моҳиятини ҳамда унинг ҳалқаро хавфсизлик тизими билан ўзаро боғлиқлигини аңглашга бўлган эътиборни кучайтириди.

2. Ҳозирги дунёning сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик хавфсизлик ҳолати мазкур соҳада замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга ҳамда минтақавий хавфсизликка нисбатан концептуал қарашларни ривожлантиришга ундаомоқда.

3. Хавфсизлик муаммоси юзасидан мавжуд ёндашув ва қарашларни киёсий таҳлил этиш натижасида уларнинг ўртасида ўзига хос умумийлик ҳамда фарқлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг баъзилари хавфсизликни таъминлашда шахс омилига катта эътибор қаратган бўлса, баъзилари давлатни олий қадрият сифатида, бошқалари эса давлатларнинг ролини пасайтиришга, ҳалқаро ҳамжамият ва ҳалқаро ташкилотларнинг аҳамиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Улар орасидаги умумийлик эса хавфсизликнинг долзарблигини эътироф этилишида ҳамда уни таъминлашда ҳарбий куч омилига бўлган ёндашувнинг ўзгаришида акс этмоқда.

4. Бугунги кунда хавфсизликни таъминлашда давлат ва жамиятнинг асосий олий қадрияти бўлмиш шахсга бўлган эътиборнинг ортиб бориши кузатилмоқда.

5. Замонавий ҳалқаро муносабатларда шаклланяётган янги минтақавий хавфсизлик тизими нафақат ҳарбий, балки инсоннинг эркинлик, тенглик, ҳақиқат ва адолатга бўлган қонуний интилишларини таъминловчи иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олиши зарурлиги маълум бўлди.

6. Ўзбекистон Республикасида минтақавий хавфсизлик борасидаги қарашларнинг шаклланиш босқичлари ҳамда мавжуд замонавий концептуал ғояларнинг ривожланиши тенденциясининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида бу соҳадаги изланишлар узок тарихга эга ҳолда минтақа тараққиётида жуда катта илмий-назарий, ҳаётний ва амалий аҳамият касб этади. Илмий меросни янада чуқурроқ ўрганиш, янги ёндашув ва қарашлар асосида тадқикот ишларини ташкил этиш ҳар бир давлат,

минтақа ва халқаро ҳамжамият учун ҳавфсизликни таъминлашда илмий, назарий ҳамда амалий асос бўлади. Марказий Осиё ва Ўзбекистонда минтақавий ҳавфсизлик масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари ўзининг дастлабки шаклланиш босқичида ва бу йўлда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, замонавий услубларни кўллаш мақсадга мувофиқдир.

7. Ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтақасининг муҳим геостратегик роли ва аҳамияти унинг қулий географик жойлашуви (худуди, аҳолиси, иқлими ва х.з.), улкан табиий бойликлари (энергетик, минерал ҳом ашё заҳиралари), илмий-техникавий ҳамда ишлаб чиқариш салоҳияти туфайли ошиб бормоқда, шунингдек, минтақадаги ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда катта ўрин тутмоқда.

8. Бугунги ўзгаришлар даврида минтақавий ҳавфсизликнинг моҳияти глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тобора ривожланиши, халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини ортиб бориши билан белгиланмоқда. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида давлатларнинг бир-бираига боғлиқлигини сезиларли даражада ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, маълум минтақадаги хоҳ салбий, хоҳ изжобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Маёждуд вазият ташки таҳдидларнинг ички таҳдидлар яъни анъанавий таҳдидларнинг ноанъанавий таҳдидлар билан ўзаро боғлиқлигининг кучайиши билан муракаблашмоқда. Бу шароитда минтақа ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мүшкуллашмоқда.

9. Марказий Осиёда юз берган халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида минтақанинг қулий географик жойлашуви ҳамда табиий бойликлари юзасидан ташки омилларнинг роли ва даражаси ортиб бормоқда. Яъни, бир томондан, минтақа атрофидағи йирик давлатлар (Туркия, Эрон, Покистон), иккинчи томондан, анъанавий ўйинчилар (Россия, Хитой, АҚШ) ўртасидаги геосиёсий ракобатнинг кучайиши юз бермоқда. Ушбу жараёнга янги иштирокчи сифатида халқаро муносабатларнинг ноанъанавий қатнашчилари бўлмиш халқаро нодавлат ташкилотлар ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қўйлмоқда. Натижада минтақа табиий бойликлари ва қулий геосиёсий шароитни назоратта олиш мақсадида дунёнинг йирик давлатлари ўртасида ўзига хос сиёсий «катта ўйинлар» бошланди. Бу эса, ўз навбатида, сўнгги пайтларда минтақа мамлакатлари дуч келаётган кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

10. Минтақа давлатларининг ички вазияти, улардаги ижтимоий жараёнлар ҳамда сиёсий-иктисодий ўзгаришлар таҳлили шуни

күрсатмоқдағы, улардаги ички кечәёттган жараёнлар ўзига хос «ўтиш давр» билан фарқланмокда. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёда мінтақавий хавфсизлик ва барқарорлықка бұлған таҳдидлар сұнгы даврларда ўзининг шаклланғанлық даражасы (реал ва потенциал), намоён бўлиш характери (ижтимоий, антропоген, табиий), келиб чиқиши (ички ва ташқи), ҳаёт фаолияти соҳаларига кўра (сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий ва ҳ.з.) турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

11. Марказий Осиё давлатларининг мінтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсатининг таҳлили шуну күрсатмоқдағы, бугунги кунда мінтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларни бартараф этишга қаратилған фаол сиёсат олиб борилмоқда. Бироқ Марказий Осиёда ҳали мустаҳкам, самарали ва мослашувчан мінтақавий хавфсизлик тизими тўлиқ шаклланғанича йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири мінтақада давлатларининг барчасида ҳам хавфсизликни таъминлаш масъулияти тўлиқ тушуниб етилмаганлигидadir. Бугунги кунда айrim мамлакатларда мінтақавий хавфсизликни таъминлаш масъулиятидан кўра миллий хавфсизлик ва миллий манфаатлар устунилик килмоқда.

12. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мінтақада давлатларидан самарали коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириши, интеграцион жараёнларни ривожлантириши, миллий манфаатлар уйгулигини таъминлашни ҳамда турли ҳалқаро ва мінтақавий ташкилотлар доирасида фаолият олиб боришини талаб этади. Бу шароитда давлатлар мінтақавий хавфсизликни ҳалқаро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини англаган ҳолда ўз миллий манфаатлар тизимини такомишилаштиришлари зарур деб ҳисоблаймиз. Зоро, бу барча мінтақада давлатларининг манфаатларига тўлиқ мос келади.

13. Марказий Осиёни ягона геосиёсий ҳудуд сифатида кўрган ҳолда мінтақада давлатлари ягона интеграциявий тизимга бирлашишлари ҳамда келишилған умумий сиёсат ишлаб чиқишилари зарур деб ҳисоблаймиз. Бу мақсадни амалга оширишда ЕврАЗЭС, ШХТ, КХШТ, МДХ, каби мінтақавий тузилмалардан самарали фойдаланиш мақсадта мувофиқидir. Хусусан, ЕврАЗЭС ташкилоти доирасида ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этишга ва интеграция жараёнларини ривожлантиришга катта эътибор беришлари, КХШТ ва ШХТ доирасида мінтақавий коллектив хавфсизлик тизимини тўлиқ шакллантиришга ҳакарат қилишлари зарур. ШХТ доирасидаги алоқалар пировард натижада Россия ва Хитой иштирокида мінтақада стратегик кучлар мувозанатини сақлашга ҳамда жаҳоннинг دولзарб масалалари юзасидан умумий мінтақавий сиёсат ишлаб чиқишида кенг имкониятлар яратади.

14. Айни пайтда, келишилған мінтақавий сиёсат орқали БМТ,

ЕХХТ, НАТО, ЕИ, ВТО, ЖБ каби нуфузли халқаро сиёсий, иктиносидий-молиявий ташкилотларда муваффақиятли фаолият олиб бориши мумкин бўлади. Бу йўналишдаги энг асосий вазифалардан бири халқаро ҳамжамият томонидан меъёрий хужжатлар асосида терроризмга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни умумлаштиришидир. Мазкур йўналишда улар томонидан БМТ доирасида “Халқаро терроризм тўғрисидаги умумжакон конвенцияси”ни қабул қилиш жараёнини тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса мазкур масала юзасидан “иккиёқдама стандарт” сиёсати қўлланилишини олдини олади. Ундан ташқари, бу жараёнда давлатларнинг индивидуал ташаббусларига катта эътибор қаратиш зарур. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси томонидан билдирилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳётга татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Улар қаторида, энг аввало:

- Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудудни яратиш;
- Буюк Ипак йўлни тиклаш;
- Орол муаммосини ҳал этиш;
- аксильтеррор марказларини ташкил эти шва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш;
- Афғонистонда урушдан кейинги вазиятни барқарорлаштириш;
- халқаро терроризм ва экстремизм, наркобизнесга қарши курашга қаратилган саммит, халқаро анжуман ва бошқа тадбирларни ўтказиш ташабbusлари.

15. Халқаро муносабатлар тизимида ривожланган давлатлар билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида янги алоқаларни йўлга кўйиш стратегик вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларини ҳал этишда реал ёрдам кўрсатишга қодир давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатишидан манбаатдордир. Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари шулар жумласига киради. Мазкур давлатлар билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва интеграция жараёнларини ривожлантириш масалалари юзасидан узок муддатли стратегик ҳамкорликни ўрнатиш ҳам минтақа давлатлари манбаатларига ҳам ушибу давлатлар манбаатларига жавоб беради. Бу эса истиқболда минтақада стратегик мувозанатни саклашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

16. Марказий Осиё давлатларининг муайян мамлакатлар ёки халқаро ташкилотлар таъсирига тушиб қолмаслиги уларнинг ўзаро таъзи сиёсати ва муносабатларининг уйғунлигига боғлик. Бу борада Марказий Осиё давлатлари ўзаро ягона иктиносидий ҳудудни ташкил этиш ва иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантишига катта

эътибор берицлари мақсадга мувофиқидир. Бу жараёнда минтақа давлатларининг ижтимоий-маданий алоқалари алоҳида аҳамият касб этган ҳолда маданият, илм-фан, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада чукурлаширишни талаб қиласди. Зоро, бу ўз навбатида, минтақа давлатларининг милллий манфаатларини янада чукурроқ ўрганишда, уларнинг ўзаро яғинлиги ва уйғунлигини таъминлашда, ўзаро муросага келишда, минтақа хавфсизлиги борасида ягона минтақавий сиёсат ишлаб чиқишда, бу соҳада меъёрий-хуқуқий асосларни яратишда кенг имкониятлар яратади.

4. Диссертациянинг асосий мазмунин бўйича нашр этилган ишлари рўйхати:

Монография, китоб ва дарслеклар:

1. Сайдолимов С. Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии. -Т.: Академия, 2003. -145 б.
2. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, О.Қосимов, А.Жалилов, С.Сайдолимов ва бош. -Т.: Академия, 2005. -347 б.
3. Тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт омили / С.Жўраев, С.Мирқосимов, С.Сайдолимов ва бош. -Т.: Академия - Ўзбекистон Файлусуфлари милллий жамияти, 2005. -38 б.
4. Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, Н.Қосимова, А.Жалилов, О.Қосимов, С.Сайдолимов ва б. -Т.: Академия, 2006. -240 б.
5. С.Жўраев, С.Сайдолимов, З.Абдуганиева. Халқаро хавфсизлик (Ўқув қўлланма). -Т.: Академия, 2007. -147 б.

Журналларда эълон қилинган илмий мақолалар:

6. Сайдолимов С. Минтақавий муаммолардан глобал муаммолар сари // Жамият ва бошқарув. -Т., 2004. -№1. -Б. 46-48.
7. Сайдолимов С. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг айrim жиҳатлари // Халқаро муносабатлар. -Т., 2004. -№1. -Б. 20-22.
8. Сайдолимов С. Центральная Азия в новых условиях мирового порядка // Востоковедение. -Т., 2004. -№2. -Б. 111-116.
9. Сайдолимов С. Геополитика КНР в Центральной Азии // Иқтисодиёт ва таълим. -Т., 2004. -№3. -Б. 123-126.
10. Сайдолимов С. Central Asia: conditions and prospectives // Journal Of Asia-Pacific Studies. -Жанубий Корея, Сеул, 2004. -Б. 289-295.
11. Сайдолимов С. Новая геополитика России в Центральной Азии // Халқаро муносабатлар. -Т., 2004. -№4. -Б. 20-26.
12. Сайдолимов С. Региональная безопасность в Центральной Азии: состояние и перспективы // Востоковедение. -Т., 2005. -№1. -Б. 112-117.

- 13.Сайдолимов С. Хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг айрим жиҳатлари // Шарқшунослик. -Т., 2005. -№2. -Б. 96-100.
- 14.Сайдолимов С. Хавфсизлик борасидаги айрим концептуал қараашларнинг ўзига хос хусусиятлари // Халқаро муносабатлар. -Т., 2005. -№3. -Б. 16-23.
- 15.Сайдолимов С., Ҳамзаев Ш. Халқаро мулокотларнинг ўзига хослиги // Мулокот. -Т., 2005. -№4. -Б. 10-11.
- 16.Сайдолимов С. Интеграция – давр тақозоси // Жамият ва бошқарув. -Т., 2006. -№3. -Б. 13-16.
- 17.Сайдолимов С. Олий қадрият // Жамият ва бошқарув. -Т, 2006. (Махсус сон). -Б. 30-32.
- 18.Сайдолимов С. Халқаро муносабатлар кейинги яrim аср ичидаги тамойиллар, ўзгаришлар, тарихий паллалар, нуқтаи назарлар // Халқаро муносабатлар. -Т., 2006. -№2. -Б. 14-22.
- 19.Сайдолимов С. Central Asia in the New World System // The India-Central Asia Foundation, Webside, Int: <http://www.icafindia.org/> 7-р.

Илмий тўпламлар ва конференция материалларида нашр этилган мақолалар:

- 20.Сайдолимов С. Марказий Осиёда геостратегик ҳолат: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Т.: Академия, 2005. -Б. 295-302.
- 21.Сайдолимов С. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантириш // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Т.: Академия, 2005. -Б. 302-311.
- 22.Сайдолимов С. Марказий Осиёда иқтисодий, сув-энергетик, транспорт-коммуникацион, экологик муаммолар ечимиning амалий механизмини шакллантириш // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Т.: Академия, 2005. -Б. 311-316.
- 23.Сайдолимов С. Марказий Осиёни оммавий кирғин қуролларидан ҳоли қилиш ва ядроий таҳдиддан ҳимоялаш масалалари // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Т.: Академия, 2005. -Б. 316-320.
- 24.Сайдолимов С. Ҳозирги замон хавфсизлик тизимининг ўзига хос жиҳатлари // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференция материаллари (2005 йил 17 ноябрь). -Т., 2005. -Б. 33-36.
25. Сайдолимов С. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий салоҳияти // Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор

йўналишлари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2006 йил 20 декабрь). -Т., 2007. -Б. 140-145.

26. Saidolimov S. From regional safety towards global safety // Training program for young experts of Uzbekistan at the University Teknologi MARA (18 April – 1 May 2007). -Shah Alam, Selangor, Malaysia, 2007. p. 30-33.
27. Сайдолимов С. Состояние и перспективы формирования эффективной системы региональной безопасности в Центральной Азии // Демократическое развитие и вопросы обеспечения безопасности: материалы международной конференции (14-15 май 2007 года). -Т., 2007. -С. 142-146.

Ўқув-методик материаллар:

28. Хорижий давлатларнинг ташки сиёсати ва дипломатияси/ С.Жўраев, А.Жалилов, С.Сайдолимов. (ўқув дастур). -Т.: Академия, 2005. -39 б.
29. Халқаро хавфсизлик муаммолари / С.Сайдолимов, С.Жўраев. (ўқув дастур). -Т.: Академия, 2005. -38 б.

Сиёсий фанлар доктори илмий даражасига талабгор Сайдолимов Сайдхон Талъат ўғлиниңг 23.00.02 – сиёсий институтлар ва жараёнлар ихтиносилги бўйича «Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Марказий Осиё, минтақавий хавфсизлик, халқаро хавфсизлик, геосиёсат, ташқи сиёсат, стратегия, миллий манбаатлар, глобаллашув.

Тадқиқот обьекти: Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари.

Иннинг мақсади: Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уларниң келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини тизимиш таҳдил қилиш ҳамда минтақа хавфсизлигига таъсир кўрсатаётган ташқи ва ички омилларнинг даражаси ва хусусиятини аниқлаш.

Тадқиқот усули: тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўз ифодасини топган методологик қоидалар, диалектика ва тизимиш услубларга асосланган илмий тамойиллар ҳамда киёсий-сиёсий, қиёсий-тарихий таҳдил услублари асосида олиб борилди.

Олинган натижалар ва уларниң янгилиги: тадқиқотнинг илмий янгилиги замонавий дунё тараққиётидаги ўзгаришлар муносабати билан Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммоларини комплекс тадқиқ этилди ўз аксини топди. Диссертацияда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий тенденциялари; ундаги кечакётган геосиёсий жараёнлар; минтақа давлатлариниң хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сиёсати қиёсий таҳдил этилди. Минтақавий хавфсизликка асосий таҳдидлар ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашда ташқи кучлар таъсири тизимли таҳдил натижасида аниқланди.

Амалий аҳамияти: ишнинг хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсий стратегиясини такомиллаштиришда ҳамда баркарорликни сақлаш юзасидан минтақа давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришда янги ёндашув ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Тадбик этиш даражаси: тадқиқотнинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридан Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ўкув курсларини тайёрлап ва ўқитиш жараёнида ўз аксини топди. Диссертация мавзуси бўйича монография, 30га якин илмий мақолалар чон этилди ҳамда 20дан ортиқ халқаро конференцияларда маърузалар ўқилди.

Кўлланиши соҳаси: тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти билан шугуулланувчи вазирликлар, махсус давлат идораларининг амалий ва таҳдилий ишларида ҳамда илмий-тадқиқотлар ва таълим амалиётларида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Сайдолимова Сайдхона Тальят угли на тему «Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии» на соискание ученой степени доктора политических наук по специальности 23.00.02 – Политические институты и процессы

Ключевые слова: Центральная Азия, региональная безопасность, международная безопасность, geopolитика, внешняя политика, стратегия, национальные интересы, глобализация.

Объект исследования: проблемы обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии.

Цель работы: системный анализ проблем обеспечения безопасности в Центральной Азии, основных причин и условий их возникновения, а также определение степени и характера влияния внешних и внутренних факторов на безопасность в регионе.

Метод исследования: исследование проведено на основе методологических положений, содержащихся в трудах и выступлениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, на базе системы научных принципов, основанных на диалектическом и системном методах, а также использованы методы сравнительно-политического, сравнительно-исторического анализа.

Полученные результаты и их новизна: научная новизна исследования заключается в комплексном изучении проблем обеспечения безопасности в Центральной Азии в связи с изменяющимися тенденциями развития современного мира. В диссертации предпринята попытка сравнительного анализа основных тенденций обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии; происходящих в ней геополитических процессов; внешнеполитических подходов государств региона к проблемам обеспечения региональной безопасности. Выявлены основные угрозы региональной безопасности, а также влияние внешних сил на обеспечение безопасности в регионе. Изучены вопросы развития и перспективы международного сотрудничества Узбекистана в сфере обеспечения региональной безопасности.

Практическая значимость: выводы и рекомендации могут быть использованы в целях совершенствования стратегии внешней политики Республики Узбекистан в сфере обеспечения региональной безопасности, а также при выработке новых подходов и конкретных мер по углублению сотрудничества со странами региона в сфере сохранения стабильности.

Степень внедрения: основные результаты исследования нашли отражение в процессе подготовки и преподавания учебных курсов в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан. По теме диссертации опубликована монография, около 30 научных статей, а также автор выступал с докладами в 20 международных конференциях.

Область применения: теоретические выводы и практические рекомендации могут быть использованы при разработке практических и аналитических материалов различных министерств и ведомств, занимающихся внешнеполитической деятельностью Республики Узбекистан, а также в научно-исследовательской и преподавательской практике.

RESUME

Thesis of S.T.Saidolimov on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in Political Science speciality 23.00.02 – Political Institutions and Processes subject: “The Problems of safety of security in Central Asia”

Key words: Central Asia, regional security, international security, geopolitics, foreign policy, strategy, national interests, globalization.

Subject of the Inquiry: Problems of security provision in Central Asia.

Aim of the thesis: System analysis of the main reasons, circumstances, conditions, problems and factors related to the provision of regional security in Central Asian as well as identification the nature and level of interior and exterior factors affecting to the regional security.


Method of inquiry: The inquiry was conducted relying on the methodical norms used in the works of the President of Uzbekistan I.A.Karimov; scientific principles based on the dialectical and systemic methods as well as politico-comparative and historical comparative methods.

The results achieved and their novelty: The scientific novelty of the thesis was reflected in the complex analysis of the problems of security provision in Central Asia via the prism of changes in the development of contemporary world. In the thesis were comparatively analyzed the main tendencies of regional security provision in Central Asia, geopolitical process taking place in the region, foreign policy of the region's states in the field of regional security provision. Using systemic analysis there were indentified the core threats to the regional security and the influence of exterior forces in the provision of regional security.


Practical significance: The conclusions and recommendations of the work might be used in perfectioning the foreign policy strategy of the Republic of Uzbekistan designed to the provision of regional security as well as in elaborating new approches and concrete measures aiming to deepen the cooperation between the region's states in this field.

Degree of embed: The core results of the research were reflected in the teaching process and in the curriculum at the Academy of State and Social Construction under the President of the Republic of Uzbekistan. There were published the monograph and more than 30 scientific articles, as well as the author made several presentations in 20 different international conferences, related to the topic of this thesis.

Sphere of usage: Theoretical conclusions and practical recommendations of the thesis might be used in the elaboration of practical and analytical materials of various ministries and specific government bodies, dealing with the activity of foreign policy of the Republic of Uzbekistan, as well as in scientific research and teaching practice on discipline of international relations and political science.



Таджикотчи



Сайдолимов С.Т.

Босишга рухсат этилди. 05.10.2007 й.
Босма табоқ 3,1. Адади 100. Буюртма № 45/10.
«Akadem -- Xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45